Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

19 март 1972 йил, якшанба ✦ № 66 (15.237). ✦ Баҳоси 2 тийин.

СССР 50 ЙИЛ

ЁШ ПАХТАКОР—МЕХАНИЗАТОРЛАР РЕСПУБЛИКА СЛЁТИГА

ЕШЛАРНИ ПАРТИЯМИЗНИНГ, ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ ВА МЕҲНАТКАШ ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ШОНЛИ РЕВОЛЮЦИОН ТРАДИЦИЯЛАРИДА, МЕҲНАТГА КОММУНИСТИК МУНОСАБАТНИНГ, ИЖТИМОИЙ БУРЧНИ БАЖАРИШНИНГ, КОММУНИЗМ ИДЕАЛЛАРИГА СОДИҚ БЎЛИШНИНГ ЭНГ ЯХШИ НАМУНАЛАРИ АСОСИДА, СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ БУЮК БУНЕДКОРЛИКЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНИШ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛСИН.

(Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети VI пленуми қароридан).

МЕХАНИЗАЦИЯ — БОШ ЙЎЛИМИЗ!

ЁШЛАР, ТЕХНИКАНИ ЭГАЛЛАНГ!

АЗИЗ ДЎСТЛАР! Сизларни республика ёш механизаторларининг слёти кунида чин юракдан табриклаймиз ва қутлаймиз, халқ бахт-саодати, Ватан истиқболи йўлидаги фидокорона меҳнатингизда катта муваффақиятлар, сиҳат-саломатликлар тилаймиз. Сизларнинг бу йилги анъанавий анжуманингиз республикамиз меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларида белгиланган улуғвор вазифаларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этаётган бир шароитда ўтади. Бунда сизларнинг катта ҳиссангиз борлигини яхши биламиз. Ёш механизаторлар республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқларини, хусусан пахтачиликни ривожлантириш ва комплекс механизациялашда Ленин комсомолига хос жасорат ва матонат кўрсатиб келди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади, деган умиддамиз.

Механизация — катта куч. Механизатор — ҳосилдорлик байроқдори. Икки симдан оқиб келаётган электр қуввати туташган жойда чироқ ёнганидек, механизаторлар механизмлар қувватидан тадбиркорлик билан оқилона фойдаланган жойларда қишлоқ хўжалик экинларидан, хусусан пахтадан муттасил юқори ҳосил олиняпти. Пахтачиликда беш омил бор: ер, сув, ўғит, ирригация-мелиорация ва ниҳоят механизация! Мана шу беш омилга амал қилинган жойларда деҳқончилик баҳоридан келаверади. Бучи биз ўз тажрибамизда кўрганимиз учун айтяпмиз.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети сўнгги йилларда пахта теримини комплекс механизациялаш соҳасида жуда катта тадбирларни амалга оширдилар. Партия айтгани, халқ айтгани, халқ ғамини еб айтгани деган нақл бор. Республикамиз механизаторлари, шу жумладан ёш механизаторлар партия ва ҳукуматимизнинг жанговар чақириғига лаббай деб жавоб бердилар. Ҳамма колхозлар, совхозлар, районлар, областларда теримни комплекс механизациялаш учун умумхалқ кураши бошланди.

Республикамиз бўйича 1966 йилда машиналарда 1 миллион 329 минг тонна пахта терилган бўлса, 1970 йилда дала гвардиячиларимиз «зангори кема»ларда 1 ярим миллион тонна пахтани саранжом-сариштали бердиларки, пахтачилик тарихида машиналарда бунчалик кўп «оқ олтин» терилганини бобо деҳқонлар ҳам эслай олмайдилар.

1971 йил машина теримида мисли кўрилмаган ғалабаларга эришилган йил бўлди. Капитанларимиз эл-юрт хазинасига «пўлат этак»лардан 1 миллион 840 минг тонна дурдона тўкиб, пахтакорларимизнинг чинакам мададкори эканликларини яна бир карра исбот этдилар. Бу республикамиз бўйича тайёрланган ялпи ҳосилнинг 40 процентдан кўпроғини ташкил этади. Халқимиз орасида чўлқувар номи билан донг таратган Сирдарё областининг механик-ҳайдовчилари мўъжиза яратдилар. Улар машиналар қувватидан самарали фойдаланиб, область бўйича тайёрланган пахтанинг 68 процентини териб бердилар.

Пойтахт — Тошкент области механизаторларининг шижоатига тасаннолар деймиз. Улар ҳар бир машинада кўп ва тоза пахта теришда рекорд қўйдилар. Суръатни кун сайин, соат сайин сшира бориб, мавсум давомида областнинг 59 ярим процент пахтасини теоиб бердилар.

Теримни комплекс механизациялаш илғорлари ҳақида гап борганда Околтин, Жиззах, Янгиариқ ва бошқа ўнлаб районларнинг, «Савай», 1-«Боёвут», 18-«Фарғона», 6-Титов номли, Бухородаги «Октябрь 50 йиллиги», Сурхондарёдаги «Советобод» совхозлари, Жиззахдаги «Москва», Қувадаги «Коммунизм», Ленин районидаги «Правда Востока» колхозлари ва бошқа ўнлаб хўжаликларнинг ҳомини фахр билан тилга оламиз. Бу хўжаликларда тайёрланган ялпи пахтанинг 80—85 проценти машиналарда йиғиштириб олинди.

Ҳозир республикамизнинг қишлоқ хўжалик органлари ихтиёрида турли маркада 141 мингдан ортик трактор бор. Утган беш йиллик мобайнида колхоз ва совхозларимиз 86 мингта ҳайдов ва чопиқ трактори олди. Саноат корхоналари пахтакор-деҳқонларимизга 19 мингдан зиёд терим машиналари етказиб берди. Кўриниб турибдики, давлатимиз пахтакорларимизнинг ишини енгиллатиш учун зарур бўлган техника воситаларининг ҳаммасини муҳайё қиляпти. Энди ҳамма гап ўзимизга, техника қувватидан максимал даражада фойдаланишимизга боғлиқ бўлиб қолди.

Ёш механизатор дўстлар! Тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи босқичи — 1972 йилда республикамиз пахтакорлари олдида ғоят муҳим, давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа турибди. Она-Ватанга 4 ярим миллион тонна «оқ олтин» етказиб бермоғимиз керак. Бундан муҳим, шарафли вазифа йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Биз механизаторлар катта ўзбек пахтаси учун курашда ҳар йилдагидек байроқдорлик ролини ўйнамоғимиз керак. Машиналарда 1 миллион 900 минг тонна пахта териб бериш сиз билан бизнинг партия, Ватан олдидаги мукаддас бурчимиздир.

Республика қишлоқ хўжалик илғорларининг шу йил 6 мартда Тошкентда бўлиб ўтган қурултойида пахта етиштириш юзасидан юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. Унга сиз билан биз ҳам имзо чекканмиз. Мажбуриятда 530 минг гектар майдондаги ҳосилни қўл кучи ишлатмасдан саранжом-сариштали оламиз дейилган. Демак, шунча гектар пахтазорга одам ораламайди, очилган кўсаклардан тортиб, тўкилган пахтагача — ҳаммаси машиналарда териб олинади. Ана шу топшириқни бекамиқўст меъёрига етказувчи ҳам сизлар билан бизлар! Шундай экан, пахта териш машиналари, кўрак териш ва чувиш, тўкилган пахтани теришга агрегатларини шу кунларда ремонтдан чиқариб, мавсумга тахт қилиб қўйишимиз лозим.

1972 йил механизаторлар учун синов йилидир. Сабаби, деярли ҳамма пахтакор хўжаликларда катта майдонларга чигитни кенг қаторлаб экилади. Уларга белгиланган миқдорда чигит ташлаб экиш усули кенг қўлланилади. Шундай экан, универсалларимиз, сеялкаларимизни қайта-қайта кўздан кечириб, аниқланган камчиликларни дарҳол тугатайлик. Тупроқ қатламида ҳарорат кўтарилиши билан чигит экишни бошлаш ва бу муҳим ишни узоғи билан бир ҳафта—ўн кунда сифатли қилиб ўтказиш механизаторларимизнинг шарафли ишидир. Ҳар бир механизатор қайси пайкалга қачон чигит экишини шу кунларда аниқлаб олмоғи зарур. Шунчи ҳам айтиб ўтайликки, ким қайси картага чигит экса, ўша картада кўчатлар сонининг бут бўлишига жавоб берсин, ғўза парваришни ўтказсин, кузга бориб пахтасини ҳам ўзи териб берсин.

Кези келганда бошқа айрим фикрларимизни ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Ёки бошқачасига айтганда, сиз билан биз йўл қўйган, эндиликда тузатишимиз талаб этилаётган камчиликлар ҳақида сўзламоқчимиз. Илғор механик-ҳайдовчилар 700—810 тоннагача пахта терэётганлари ҳолда, айримлари 50—60 тонна пахта териб машиналарнинг «умрини» бекорга ўтказяпти, механизаторлик номига доғ тушираяпти. Ўшандай ўртоқлар ўзларининг назарий билими, тажрибасини ошириш ҳақида ҳозирдан бош қотирса яхши бўлур эди. 1972 йилдан бошлаб ҳар бир машинанинг мавсумдаги иш унуми камида 100—110 тонна бўлишини таъминлаймиз. Шиоримиз шундай бўлсин!

Машиналарни икки сменада ишлатиш ҳақида кўп гапириляпти. Лекин механизаторлар етишмаслиги туфайли яхши ниятни рўёбга чиқаришнинг иложи бўлмаяпти. Шунинг учун бу йилдан бошлаб ҳар бир хонадондан камида бир-икки механизатор кадр тайёрлаш масаласини кун тартибига қўяйлик. 10-синфни битирган қизлар, йигитлар, армия хизматини ўтаб келган йигитлар механизация мактаблари, курсларига ўқишга кириб сафимиздан муносиб ўрин олсин.

Тажрибали механизаторларимиз кўп, уларнинг сафи тобора кенгайиб бораяпти. Бизнинг фикримизча, ҳар бир устоз шу йилнинг ўзида камида 6—8 шогирд тайёрласин.

Сиз ёш механизаторларга яна бир карра муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик тилаймиз, слётдан қайтиш билан белни маҳкам боғлаб унумдор пахта далаларида ўз «пўлат от»ларингиз билан жавлон уришларингизни истаймиз. Сизларга ҳам ҳалол меҳнат билан халқимизнинг катта ҳурматига сазовор бўлишни тилаймиз.

ШОИМАРДОН ҚУДРАТОВ — Сурхондарёлик механик-ҳайдовчи, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ТУРСУНОЙ ОХУНОВА — Янгийўл районидаги Киров номли колхоз бригадири, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ЖАВОД КЎЧИЕВ — Гулистон районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Ленин мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, ҲАФИЗ ПОЛВОНОВ — Марҳамат районидаги Ильич номли колхоз механик-ҳайдовчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ИСКАНДАР ЮСУПОВ — Янгиариқ районидаги «Москва» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, МАМАЖОН ДАДАЖОНОВ — Сирдарё областидаги Ленин номли совхоз директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, БОБОШЕР ШОВХИЕВ — Нарпай районидаги Калинин номли колхоз механик ҳайдовчиси, СССР Олий Совети депутати.

Фотолавҳалар

РЕСПУБЛИКАМИЗ колхоз ва совхозларида турсунойчи механизатор қизлар сафи тобора кўпаймоқда. Суратда. Сирдарё область Сирдарё районидаги «Правда» колхозининг механизаторлари Ҳ. Исмоилова (чапда) ва С. Акрамовалар. Уларнинг ҳар бири ўтган йили 80 тоннадан ошириб пахта териб беришди.

БУХОРО область, Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг механизатори Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Мукаррам Фузайлова. У «зангори кема» деҳқоннинг мададкори эканлигини амалда исботламоқда.

ШАМСИҚАМАР Тўхтаеванинг номи Сирдарё областининг Дўстлик районида ҳурмат билан тилга олинади. Ленин номидаги совхозда ишчиларнинг юкини енгил қилаётган механизатор ўтган йили область «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳиссасини қўшди.

А. Тўраев фотолари.

МАШИНА—ДЕҲҚОН ҚАНОТИ

ХАЛҚИМИЗДА «устоз — отадан улуғ, устозлар сўзи — ақлнинг кўзи» деган мақол бор. Устозларимиз — машина теримн даргаларининг хатини ўқиб чиқдик, уларнинг фикрини тўла маъқуллаймиз. Бизларга билдирган яхши истак ва тилаклари учун самимий миннатдорчилик изҳор қиламиз. Бизлар бахтли замонда яшаб меҳнат қиляпмиз. Коммунистик партиямизнинг ғоялари йўлимизни йўлчи юлдуздек ёритиб турибди. Халқимизнинг фаровон ҳаёти, Ватанимизнинг истиқболи йўлида Ленин комсомолига хос матонат ва жасорат билан меҳнат қилишни, КПСС XXIV съезди белгилаган коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга муносиб ҳисса қўшишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб биламиз. Комсомол-ёшлар партиямиз белгилаган вазифаларни бажаришда доимо олдинги сафларда бўлиб келди, бундан кейин ҳам шу анъанага содиқ бўлиб қолаверадилар.

Биз комсомол-ёшлар шонли механизаторлар армияси сафидан муносиб ўрин олиб келаётганимиз, устозлар изидан бораётганимиз билан фахрланамиз.

Техникани эгаллаш, оғир меҳнат талаб қиладиган ишлаэни машиналаштиришга улуш қўшиш бизнинг жанговар шиоримизга айланган, бу борада анча муваффақиятларга эришдик. Республикамизда комсомол-ёшлардан ташкил топган 2507 та пахтачилик бригадалари бўлиб, уларга 43 минг киши уюшган. Пахтакорларимизнинг деярли ҳаммаси ўрта мактабларни, айримлари олий ўқув юртларини тамомлаган йигит-қизлардир. Комсомол-ёшлар бригадаларига асосан механизатор кадрлар бошчилик қилмоқдалар. Ҳозирги вақтда республикамиз колхозларида совхозларида 260 мингдан зиёд комсомоллар пахтачилик билан шуғулланмоқдалар. Уларнинг сафи йилдан-йилга кўпайяпти, юқори ҳосил усталари сафи кенгаяпти.

Ер — хазина, меҳнат унинг калити эканини, ерни эъзозлаш — элни эъзозлаш эканини ҳам тушунамиз. Шунинг учун ҳам, бригадаларимизга биркитилган ҳар керич ердан унумли фойдаланиб, пахта ва бошқа ҳил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Кўрик ва партов ерларни ўзлаштириб қишлоқ хўжалик оборотига киритиш, ҳосилдорликни муттасил ошириб боришга аҳамият бераяпмиз. 1971 йилда республикамиз бўйича комсомол-ёшлар бошчилик қилган бригадаларда ҳар гектар ердан 31,6 центнердан пахта хирмони кўтарилганини қувонч билан маълум қиламиз. Бу йил ана шу бригадаларда ҳосилдорликни камида 35 центнерга кўтарамиз.

Биз слётга пахта теримини комплекс механизациялаш борасида қилган ишларимизга якун ясаш, навбатдаги вазифаларимиз ҳақида маслаҳатлашиб олиш учун тўпланамиз. Режаларимиз аниқ, 1972 йилда она-Ватанга 4 миллион 500 минг тонна пахта етказиб беришимиз, шундан камида 1 миллион 900 минг тоннасини машиналарда териб олишимиз керак. Бу умумхалқ курашида пешқадамлик ролини ўйнаш биз комсомол-ёшларнинг зиммамизга тушади.

Республика партия ва ҳукумати пахтачиликни янада тараққий эттириш истиқбол планларини белгиладилар. 1975 йилга бориб Ўзбекистонимизда 5 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» тайёрланиши, шундан 3 миллион 300 минг тоннаси «зангори кема»ларда териб олиниши керак. Бу улкан вазифа биз комсомол-ёшлардан бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилишни, ички резервларни ишга солишни, терим машиналари иш унумини янада оширишни талаб этади. Техника бор. Лекин уни моҳирлик билан бошқаришга қодир малакали механизатор кадрлар етишмаётганидан кўз юма олмаймиз. Механизаторлар камлигидан терим машиналари кўп жойларда бир сменада ишлатиляпти. Шуни ҳисобга олиб комсомол-ёшлардан малакали механизатор кадрлар тайёрлашга азму қарор қилдик. Шу йилнинг ўзидагина 10-синфни битирган қизлар ва йигитлардан кўплаб механизаторлар тайёрлашга эришамиз. Шундай қилиб, мавжуд машиналарнинг икки сменада ишлатиш кафолатини зиммамизга оламиз.

Бултур республикамиз колхозлари ва совхозларида 30 мингга яқин терим машинаси ишлади. Шундан деярли 50 процентини комсомол-ёшлар бошқарди. Бу йил машиналар ўрнидигида ўтириб рулни бошқарадиган комсомол-ёшлар сафини яна 25 процентга кўпайтирамиз. Беш йиллик охиригача механик-ҳайдовчилар асосий қисмининг комсомол-ёшлардан ташкил топишига эришамиз.

Сафимизда 700 тоннагача пахта терган ва ишидан ўрнак олса, изидан бориб, меҳнатда жасорат кўрсатса арзийдиган даргаларимиз кўп.

Ютуқлар ўзимизники, уни биров биздан тортиб ололмайди. Лекин олдимизда ғоят улкан вазифалар турганини унутмаслигимиз керак. Устоз механизаторлар ҳар бир терим машинасининг мавсумдаги иш унумини ўртача 100—110 тоннага етказиш керак, демоқдалар. Бу чақириққа лаббай деб жавоб берамиз. 1972 йилда комсомол-ёшлар раҳбарлик қилаётган пахтачилик бригадаларида етиштирилган ҳосилнинг 85—90 процентини машиналарда териб олишга, ҳар бир машинанинг иш унумини 110 тоннадан оширишга қатъий сўз берамиз. Сафимизда бундан кам пахта терадиган бирорта механик-ҳайдовчи бўлмайди. 500-600 тонначилар сафини кенгайтирамиз.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети комсомол-ёшлардан механизаторлар тайёрлаш масаласига доимо эътибор беряпти. Республикамиз колхозлари, совхозлари «Узсельхозтехника» район бирлашмалари қошида турсунойчилар, кўчиевчилар, тюпкочилар мактаблари очилди. Шуниси қувончлики, бу мактабларда механизациямиз даргалари Турсуной Охунова, Жавод Кўчиев, Шоймардон Қудратов, Отамурод Худойназаров, Валентин Тюпко, Ҳафиз Полвонов ва бошқа донгдор кишилар амалий машғулотлар ўтказмоқдалар, теримни комплекс механизациялаш тадбирлари ҳақида қимматли маслаҳатлар бермоқдалар.

Ўтган йили терим машиналари яхши ишлаганлиги ҳақидаги фикрга кўшиламиз. Шу билан бирга кўсак териш ва чувиш, тўкилган пахтани териш агрегатларидан қониқарли фойдаланилмаганлиги ҳақидаги танқидни ҳам оламиз. Инсоннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Замонавий техника воситалари етарли бўлган ҳозирги шароитда ҳар қандай қийин, мураккаб ишни тез, осон ҳал этиш мумкин. Шундай экан, бу йил машиналар ва агрегатлар қувватидан тўла фойдаланиш чораларини кўрамиз. Мақсадимиз шуки, халқимиз меҳнати билан етиштирилган ҳосилни машиналар воситасида ўзимиз теріб олайлик, шаҳарлик биродарларимиз, студент ўртоқларимизни безовта қилмайлик. Шу мақсадда биз комсомол-ёшлар кўсак териш ва чувиш, тўкилган пахтани териш агрегатларини бошқаришни ҳам ўрганиб оламиз. Зарур бўлган кезларда терим машиналаримизни ўшандай агрегатлар билан алмаштирамиз.

Республикамизда 1380 та ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари бор. Бу талабга жавоб бермайди. Биз фақат пахтачилик эмас, балки, ғаллачилик, шоликорлик, ем-хашак бригадаларида ҳам комсомол-ёшлар сафи кенгайишининг тарафдоримиз, ўша тармоқларда механизация ҳукмрон кучга айланишини истаймиз. Слётдан қайтгач, ички имкониятларни ҳисоблаб чиқиб ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари сонини янада кўпайтирамиз, иш бошига механизатор кадрларни қўямиз.

Халқимизда «холва деган билан оғиз чучимайди» деган мақол бор. Мажбурият олиш — ишнинг бошланишидир. Кўклам бошланди. Қиш ўтган йилларга нисбатан қаттиқ ва совуқ келганлиги туфайли чигит, маккажўхори ва бошқа экинлар экиш 18—20 кунга кечикяпти. Вазиятни ҳисобга олиб иш тутишимиз кераклигини яхши тушунамиз. Ҳарорат бирдан кўтарилиб кетиши мумкин. Шундай кезда гафлатда колмаслик, кечикмаслик учун ўзимизга биркитилган универсал тракторлар, сеялкалар, борона ва чизелларни мавсумга тахт қилиб қўйдик. Тупроқда ҳарорат кўтарилиши билан чигит экишни бошлаймиз ва бу муҳим ишни узоғи билан бир ҳафта — ўн кунда тугаллаймиз. Чигит ёппасига униб чиқишини кутиб ўтирмасдан ғўза парваришини бошлаймиз.

Ленин комсомолининг сўзи билан иши бир. Сўз бердикми — устидан чиқамиз, ваъда қилдикми — бажарамиз. 1972 синов йилида бутун куч-ғайратимизни сафарбар этиб, пахтачиликни комплекс механизациялаш, «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштиришда янги зафарлар қучамиз. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш шиори остида ўтаётган ленинча синовда олган шахсий комплекс мажбуриятларимизни шараф билан бажармиз.

ТУЛҒАНОЙ НОРБЎТАЕВА — Қарши районидаги «Ленинизм» колхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, СССР Олий Совети депутати, УСЕНБОЙ БОЛТАНИЕВ — Кегайли районидаги «Халқобод» совхозининг бригадири, СССР Олий Совети депутати, ЧИННИХОЛ ХУДОЕРОВА — механик-ҳайдовчи, Шеробод район комсомол комитетининг биринчи секретари, АБДУСАТТОР ҚУРБОНОВ — Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Шеробод районидаги Ленин номли совхоз механик-ҳайдовчиси, НАЗАР ЮСУПОВ — Янгиариқ районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригадири, МАҚСУДА ФОЗИЛОВА — Ўзбекистон районидаги Ленин номли колхоз механизатори, ТИНЧЛИК ПАНЖАШЕВ — Ильич районидаги Титов номли 6-совхоз пахтачилик бригадири.

АФҒОНИСТОН БОШ МИНИСТРИ АБДУЛ ЗОҲИР

ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Афғонистон Бош министри Абдул Зоҳир 14 мартда расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқига келди.

А. Зоҳир 1910 йилда туғилган. Кобулдаги лицейни ва медицина мактабини тугатган. АҚШдаги Колумбия университетида олий маълумот олган ва шу ерда медицина фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаган. 1956 — 1958 йилларда Афғонистон соғлиқни сақлаш министри вазифасини бажарди.

1961 йилдан 1964 йилгача халқ жирғасининг (Афғонистон парламентининг қуйи палатаси) раиси бўлиб турган, Афғонистоннинг ҳозир амалдаги конституцияси лойиҳасини муҳокама қилувчи маслаҳат комиссиясига бошчилик қилган.

1964 — 1965 йилларда бош министр ўринбосари ва айни маҳалда соғлиқни сақлаш министри лавозимларини эгаллади.

А. Зоҳир 1965 йилдан 1969 йилгача яна халқ жирғасининг раиси, сўнгра Афғонистоннинг Италиядаги элчиси бўлди.

А. Зоҳир 1971 йилнинг июль ойидан бери Афғонистоннинг Бош министридир.

А. Зоҳир Афғонистон билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстона, яхши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантириш, Афғонистон — Совет ҳамкорлигини кенгайтиришни ёқлаб келмоқда. У бошчилик қилаётган ҳукумат анъанавий ижобий бетарафлик сиёсатини, ҳарбий гуруҳларга қўшилмаслик, тинч-тотув яшаш сиёсатини ўтказиб келмоқда, халқларнинг мустамлакачилик ва иркчиликка қарши олиб бораётган миллий озодлик курашини, ялпи ва тўла қуролсизланиш учун, давлатлар ўртасида вужудга келувчи низоли масалаларни тинч воситалар билан ҳал этиш учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватламоқда.

А. Зоҳир бундан илгари ҳам Афғонистоннинг бир қанча расмий делегациялари составида Совет Иттифоқига келиб кетди.

Совет кишилари Афғонистон Бош министрининг СССРга келишини табриклаб, ушбу визит Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги дўстлик ва самарали ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирадилар.

СОВЕТ — ПОКИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

17 март куни Кремлда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Покистон президенти Зулфиқор Али Бхутто ўртасидаги музокаралар тугади.

Совет—Покистон муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва уларни янада ривожлантириш, Ҳиндистон ярим оролидаги вазиятни нормаллаштириш масалалари юзасидан, шунингдек иккала томонни қизиқтирувчи бошқа халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиш давом эттирилди. (ТАСС).

ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЗУЛФИҚОР АЛИ БХУТТО МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Расмий визит билан Москвага келган Покистон Ислом Республикасининг президенти Зулфиқор Али Бхутто 18 мартда ватанига жўнаб кетди.

Покистон ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида президентни СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полянский, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари В. П. Рубен ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Аэродромда фахрий қоровул саф тортиб турди, давлат гимнлари ижро этилди. (ТАСС).

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети чорвачилик бўйича ва 1972 йилнинг икки ой ҳисобайнида чорва қишловини ўтказиш бўйича социалистик мусобақа яқунларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Наманган областига** (область партия комитетининг секретари ўртоқ Хўжаев, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Холхонов, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Отабоев, совхозлар трести директори вазифасини бажарувчи ўртоқ Исматуллаев) беришга қарор қилдилар. Бу область қорамолларнинг 99,98 процентини, чўчқаларнинг 98,7 процентини, қўй ва эчкиларнинг 99,84 процентини сақлаб қолишга эришиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан чорва моллар ва паррандалар сонини кўпайтиришга муваффақ бўлган, сут етиштиришни 20 процент, гўштни 8 процент ва тухумни 14 процент кўпайтирган, ҳар бир сигирдан ўтган йилнинг шу давридагидан 38 килограмм кўп, яъни 228 килограммдан сут соғиб олган, давлатга гўшт сотиш квартал планини 101,9 процент, сут сотиш квартал планини 74,8 процент, тухум сотиш квартал планини 129,7 процент бажарган.

Кўчма Қизил байроқ Тошкент областидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ Тошкент область **Юқори Чирчиқ районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Ладушкин, райижроком раиси ўртоқ Икромов, райижрокомнинг қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи ўртоқ Тойметов) берилди. Бу район қўй ва эчкиларнинг 99,9 процентини, қорамолларнинг 99,8 процентини сақлаб қолишга эришган, озғин қўй ва эчкиларни 8,4 процентгача, қорамолларни 12,3 процентгача камайтирган, ҳар бир сигирдан 360 килограммдан сут соғиб олган, подани урчитиб кўпайтиришни яхшилаган, давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотишни кўпайтирган.

Кўчма Қизил байроқ Самарқанд областининг Ғаллаорол районидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ Сирдарё область **Фориш районида** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Есимов, райижроком раиси ўртоқ Мустанов, райижрокомнинг қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи ўртоқ Самуротов) қолдирилди. Район барча чорва молларини озуқа ва бинолар билан тўла таъминлашга эришган, қўй ва эчкиларнинг 99,5 процентини сақлаб қолишга муваффақ бўлган, озғин қўй ва эчкилар сонини 12 процентгача камайтирган, қўйларни майдаланган дағал ем-хашак ва концентрат озуқа билан боқишни йўлга қўйган, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан гўшт етиштиришни 19 процент, сутни 6 процент ва тухумни 13 процент кўпайтирган.

Кўчма Қизил байроқ **Сирдарё областидаги «Малик» совхозида** (совхоз директори ўртоқ Красильников, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Пирмонов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Аҳмедов, бош зоотехник ўртоқ Сироткина) қолдирилди. Совхоз қорамолларнинг 99,99 процентини сақлаб қолишга эришган, чорва молларнинг вазни қамайишига йўл қўймаган, ҳар бир сигирдан 636 килограммдан сут соғиб олган ва давлатга топшириладиган қорамолларнинг тирик вазнини ўртача 690 килограммга етказган, тайёрланган барча дағал ем-хашакни майдалаб беришни йўлга қўйган.

Кўчма Қизил байроқ **Бухоро областидаги «Октябрь 40 йиллиги» қорақўлчилик совхозига** (совхоз директори ўртоқ Серикбоев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Усмонов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Елтоев, бош зоотехник ўртоқ Утемуротов) берилди. Совхоз чорва молларини қишлик озуқа ва бинолар билан таъминлаган, қўйларнинг 99,6 процентини сақлаб қолган, дағал ем-хашак ва концентрат озуқаларни қўйларга майдалаб беришни йўлга қўйган.

Кўчма Қизил байроқ Қашқадарё областидаги «Қорақум» совхозидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ **Хоразм область, Урганч районидаги К. Маркс номли колхозга** (колхоз раиси ўртоқ Раҳимов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ҳасанов) берилди. Колхоз қорамоллар, қўй ва эчкиларнинг ҳамласини тўла сақлаб қолган, ҳар 100 сигирдан ўтган йилдагидан 7 та кўп, яъни 100 тадан бузоқ олган, озғин қорамолларни 1,3 процентгача, қўй ва эчкиларни 3,5 процентгача камайтирган, ҳар бир сигирдан бултургидан 142 килограмм кўп, яъни 311 килограммдан сут соғиб олган, давлатга гўшт сотиш квартал планини 100 процент, сут сотиш квартал планини 174 процент, тухум сотиш квартал планини 130 процент бажарган.

Кўчма Қизил байроқ Хоразм область, Шовот районидаги «Ленинизм» колхозидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ **Тошкент область, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига** (колхоз раиси ўртоқ Эгамназаров, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Соатов) берилди. Колхоз қорамоллар, қўй ва эчкиларни тўла сақлаб қолган, икки ойда ҳар 100 сигирдан бултургига нисбатан 2 та кўп, яъни 34 тадан бузоқ олган, озғин қорамолларни 9 процентгача, қўй ва эчкиларни 8 процентгача камайтирган, ҳар бир сигирдан 387 килограммдан сут соғиб олган.

Кўчма Қизил байроқ Бухоро область, Қорақўл районидаги «Октябрь» колхозидан олиб берилади.

СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Совет халқи СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини улуғ байрам сифатида нишонлашга тайёрланмоқда. 17 мартда Кремлда совет ва чет эл мухбирлари учун ўтказилган матбуот конференцияси ана шу воқеага бағишланди. Матбуот конференциясини СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот бўлими уюштирди. СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе журналистлар ҳузурида сўзга чиқди. Миллий Совет Республикаларини бирлаштириш, — деб эслатиб ўтди у, Советларнинг I Бутуниттифоқ съездида поёнига етказилди ва қонуний тартибда расмийлаштирилди. Бу съезд 1922 йил 30 декабрда янги давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топганлигини эълон қилди. ССР Иттифоқининг ташкил топиши жамиятни социалистик негизда қайта қуриш, мамлакатда яшовчи барча Советлар (Олий Советлар ва маҳаллий Советлар) составида эса юздан ортиқ турли миллат депутатлари ишлаб турибди.

МОСКВАДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

барча халқларнинг экономикаси ва маданиятини юксалтириш учун қулай шарт-шароит вужудга келтирилишини таъминлаган асосий омилларнинг бири бўлди. В. И. Ленин миллий масала ҳақидаги назарияни ривожлантириш ва кўп миллатли социалистик давлатни вужудга келтириш соҳасида жуда катта хизмат қилди.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари мамлакатдаги давлат ҳокимияти олий органининг тузилиши ва фаолияти тўғрисида гапирди, чинакам демократизм ҳамда барча миллатлар ва элатларнинг ҳуқуқий тенглиги турли миллатлар вакилларининг мамлакат—давлат ҳаётида актив иштирок қилишлари билан характерланади, деб таъкидлади. Масалан, кейинги сайловда СССР Олий Советининг ҳар иккала палатаси составига 62 миллат депутатлари сайланди. Совет мамлакатининг кўп миллатли социалистик давлатни вужудга келтириш, ривож топган социалистик жамиятни барпо этиш, миллий масалани хал қилиш соҳасида тўплаган тажрибаси бутун жаҳон миқёсида эътироф этилди ва бу тажриба социал ҳамда миллий озодлик учун курашаётган ҳамма кишиларга бебаҳо катта ёрдам бермоқда. Кўп миллатли совет халқи СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигини жуда маҳкам жипслашган ҳолда кутиб олмоқда ва Коммунистик партия раҳбарлигида партия программаси, КПССнинг XXIV съезди белгилаб берган йўлдан комил ишонч билан олга бормоқда.

М. П. Георгадзе журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди. (ТАСС).



Коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Ёқуб Муродов Октябрь революцияси номидаги заводнинг дизель цехида силлиқловчи бўлиб ишлайди. Смена топшириқларини мунтазам ошириб бажараётган бу пешқадам ишчи ҳаммага ўрнак бўлмоқда. Шунингдек, у бошлиқ бригада аъзолари ҳам корхонадаги илғор коллективлардан ҳисобланади. Суратда: Ё. Муродов иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни яхшилаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 1972—73 ўқув йилидан бошлаб раҳбар хўжалик кадрлари, халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги мутахассислар, ишчи ва колхозчилар кенг оммасига ёппасига иқтисодий билим бериш авж олдирилади. «Экономическая газета»да иқтисодий таълим системасидаги турли звенолар учун типовой ўқув планларининг лойиҳалари босиб чиқарилган эди. Қуйида иқтисодий таълим системасида 1972-73 ўқув йилига тайёргарлик юзасидан тавсиялар эълон қилинади.

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИДА 1972—1973 ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК ЮЗАСИДАН

ТАВСИЯЛАР

1. КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни яхшилаш тўғрисида»ги қарорида партия, касаба союз, комсомол, давлат ва хўжалик органлари олдига:

халқ хўжалиги раҳбар кадрлари ва мутахассислари учун — марксча-ленинча иқтисодий назария ва партиянинг иқтисодий сиёсати соҳасида, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий фан ва практикаси; кишиларни тарбиялаш ва ташкил этиш методларини такомиллаштириш соҳасида;

ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар учун — партиянинг иқтисодий сиёсати масалалари, иқтисодий билимлар ва меҳнат ҳамда ишлаб чиқаришни илмий ташкил этиш асослари, корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг иқтисодий фаолияти практикаси масалалари юзасидан иқтисодий таълим мазмунининг юксак даражага кўтарилишини таъминлаш вазифаси қўйилди.

КПСС Марказий Комитети министрликлар ва идоралар зиммасига олий ўқув юртларида, техникумларда, ҳунар-техника билим юртларида, институтларда, факультетларда ва малакани ошириш курсларида кадрларни иқтисодий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифатини янада ошириш чораларини кўриш мажбуриятини юклади. Шу билан бирга 1972/73 ўқув йилидан бошлаб ходимларнинг турли категорияларига, биринчи навбатда ишчиларни, колхозчиларни, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини ва моддий бойлик ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларидаги мутахассисларни иқтисодий таълимга жалб этиш кўзда тутилади. Бунинг учун партия маорифи системасида, коммунистик меҳнат мактаблари, халқ университетлари системасида иқтисодий таълим формаларидан фойдаланиш билан бир қаторда корхоналарда, колхозларда ва муассасаларда иқтисодий мактаб шохобчаларини вужудга келтириш зарур.

Бунда гап иқтисодий масалаларни ўрганувчилар сонини шунчаки кўпайтириш тўғрисида эмас, балки меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни ташкил этишга, унинг мазмунига ва иқтисодий билим бериш қандай аҳволда эканлигига баҳо беришга сифат жиҳатидан янгича ёндошиш тўғрисида бораётир. Иқтисодий тайёргарликни ҳар бир ходим малакасининг зарур қисми, меҳнаткашларни тарбиялаш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли бажариш учун курашда уларнинг меҳнат ғайратини оширишнинг муҳим йўналиши деб ҳисоблаш керак.

Иқтисодий таълимни планлаштириш ва ташкил этиш, ўқув базасини мустаҳкамлаш учун жавобгарлик министрликлар ва идоралар зиммасига, корхона, колхоз ва муассасалар раҳбарларининг зиммасига юкланди. Партия органларига меҳнаткашларга иқтисодий билим бериш ишларига доим раҳбарлик қилиш топширилди.

2. КПСС Марказий Комитетининг қарорини бажариш, аввало, ишни амалий равишда пухта ташкил этишга боғлиқдир. Ҳар бир корхона, муассаса, тармоқлар, районлар ва областлар миқёсида беш йиллик мобайнида иқтисодий билим беришнинг перспектив планларини ишлаб чиқиш керак. Таълимнинг формаларини белгилаш, иқтисодий мактабларга тингловчилар қабул қилиш вақтида ходимлар иқтисодий тайёргарлигининг даражасини, улар бажарадиган меҳнат характери ва мазмуни олдига қўйиладиган талабларни эътиборга олиш зарур.

Иқтисодий таълимни ташкил этганда шошма-шошарликка йўл қўйиш, таълимнинг сифатига зарар етказган ҳолда ўқувчиларнинг миқдорини кўпайтиришга берилиб кетишга йўл қўйиш мумкин эмас. Коммунистик меҳнат мактабларининг иш тажрибаси кўпгина корхоналарда самарали ўқиш учун зарур шарт-шароит мавжуд бўлмаган ҳолда, бу мактабларга ўқувчилар қабул қилиш учун тегишинча тайёргарлик кўрилмаганлигини кўрсатади.

1972/73 ўқув йилида эътиборни, аввало, кадрларни ишлаб чиқаришдан ажратган ҳолда тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш системасининг ҳамма звеноларида иқтисодий билим беришни кучайтиришга, иқтисодий таълимнинг мавжуд формаларида, хусусан коммунистик меҳнат мактаблари, халқ университетларида таълимни ташкилий жиҳатдан яхши йўлга қўйиш ва унинг мазмунини юксак даражага кўтаришга қаратилиши лозим. Янги иқтисодий мактаблар ҳисобига иқтисодий билим бериш системаси бунинг учун зарур шарт-шароит вужудга келтирилишига, аввало, малакали раҳбарлар тайёрланишига қараб кенгайтирилиши керак.

Бир қанча район, шаҳар, область партия ташкилотларида ва бир катор тармоқларда меҳнаткашларга иқтисодий билим беришга ривожлантириш тажрибаси шуни кўрсатадики, 1972/73 ўқув йилида корхона, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ўрта звеносидаги раҳбарлари ва мутахассисларнинг 30-40 проценти, ишчи ва колхозчиларнинг 15—20 проценти иқтисодий таълимга жалб этилиши мумкин.

Корхона, ташкилот, муассасалар меҳнаткашларининг иқтисодий тайёргарлиги юзасидан тузиладиган перспектив планларни район ва шаҳар партия комитетларининг тегишли бўлимларида қараб чиқиш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Свердловск, Донецк, Киев ва бошқа бир қанча область партия комитетлари, СССР Оғир индустрия корхоналари қурилиши министрлиги илмий-методика жиҳатидан раҳбарлик қилиш ва меҳнаткашларга иқтисодий билим бериш юзасидан турли ташкилотларнинг ишларини мувофиқлаштириб олиб бориш учун меҳнаткашларга иқтисодий билим бериш кенгашларини тузадилар. Бу тажрибани қўллаб-қувватласа арзийди.

3. Меҳнаткашлар турли категорияларининг иқтисодий таълими қуйидаги типовой ўқув планлари ва программаларига мувофиқ ташкил этилади:

а) «Ишлаб чиқариш фани ва практикаси» (120 соат) — министрликлар ва марказий идоралар ва уларнинг раҳбар кадрлари учун;

б) «Социалистик ишлаб чиқаришни илмий бошқариш асослари» (120 соат) — корхоналар ва саноат бирлашмалари ҳамда бошқа тармокларнинг раҳбарлари учун;

в) «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини илмий бошқариш асослари» (120 соат) — колхозлар, совхозлар ва қишлоқ хўжалик бирлашмаларининг раҳбарлари ҳамда бош мутахассислари учун;

г) «Ишлаб чиқариш экономикаси ва уни бошқариш асослари» (90 соат) — бошқарувнинг ўрта звеноси учун ва саноат корхоналари ҳамда бошқа тармоқларнинг мутахассислари учун;

д) «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши экономикаси ва уни бошқариш асослари» (90 соат) — бошқарувнинг ўрта звеноси ва колхоз ҳамда совхозларнинг мутахассислари учун;

е) «Иқтисодий билим асослари» (60 соат) — икки йиллик иқтисодий мактабларда ўқиётган ишчилар ва колхозчилар учун;

ж) «Меҳнат ва ишлаб чиқариш экономикаси асослари» (30 соат) — ҳунар-техника таълими системасида ва корхоналардаги курсларда ишчи ва колхозчиларни иқтисодий тайёрлаш учун.

Типовой ўқув планлари ва программаларининг лойиҳалари «Экономическая газета»да босиб чиқарилади. Бу лойиҳалардан иқтисодий мактабларнинг раҳбарларини тайёрлаш учун фойдаланиш керак.

Типовой ўқув программалари малакани ошириш системасида ҳам,ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиладиган иқтисодий мактабларда ҳам иқтисодий таълим учун асос қилиб олиниши лозим. Министрликлар ва идоралар тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, типовой ўқув планлари ва программаларига қўшимчалар киритишади, институтларда, факультетларда ва малакани ошириш курсларида амалда бўлган программаларни аниқлаб чиқишади.

4 Ҳозирги вақтда партия, касаба союз, комсомол, давлат ва хўжалик органларининг эътибори 1972/73 ўқув йили олдидан тайёргарлик ишларига қаратилиши керак.

а) Келгуси ўқув йилининг эҳтиёжларини эътиборга олиб, жойларда олий ўқув юртлари ва техникумларнинг ўқитувчилари, хўжалик раҳбарлари, иқтисодий хизмат ходимлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари, халқ хўжалиги мутахассислари орасидан иқтисодий мактабларнинг раҳбарларини танлаб олиш ва ўқитиш ишларини ташкил этиш зарур. Иқтисодий таълим раҳбарларининг состави, уларни ўқитиш формалари ва муддатлари партия комитетлари томонидан қараб чиқилиши ва маъқулланиши лозим. Марксизм-ленинизм университетларининг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари негизида, малакани ошириш институтлари ва факультетлари негизида қиска муддатли курслар ва мактаблар ташкил этиш, район ва шаҳар партия комитетларининг сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари ҳузурида, шунингдек йирик корхоналарда курслар очиш зарур. Ана шу мақсадларга хўжалик органларининг кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун ажратиб бериладиган маблағларидан фойдаланиш мумкин

б) Ўқув қўлланмаларини тайёрлаш қуйидагиларга топширилди:

— министрликлар ва марказий идораларнинг раҳбар ходимлари учун халқ хўжалигини бошқариш институтига;

— саноат корхоналари ва бирлашмалари ҳамда бошқа тармоқларнинг раҳбарлари учун — Серго Оржоникидзе номли Москва инженерлик-экономика институтига;

— колхозлар, совхозлар ва қишлоқ хўжалик бирлашмаларининг раҳбарлари ҳамда бош мутахассислари учун — В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг экономика ва қишлоқ хўжалигини ташкил этиш бўлимига ҳамда СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг илмий-тадқиқот институтларига;

— бошқарувнинг ўрта звеноси ва саноат корхоналари ҳамда бошқа тармоқларнинг мутахассислари учун — Пальмиро Тольятти номли Ленинград инженерлик-экономика институтига;

— бошқарувнинг ўрта звеноси ва колхоз ҳамда совхозларнинг мутахассислари учун — М. В. Ломоносов номли Москва давлат университети социалистик қишлоқ хўжалик экономикаси ва уни ташкил этиш кафедрасига;

— саноат ва бошқа тармоқларнинг ишчилари учун — «Экономическая газета» редакциясига, Свердловск халқ хўжалиги институтига;

— колхозчилар ва совхоз ишчилари учун К. А. Тимирязев номли Москва Қишлоқ хўжалик академиясига.

«Экономика», «Мисль» нашриётлари ва Сиёсий адабиёт нашриёти 1972/73 ўқув йили боғланишига қадар ўқув қўлланмаларини босиб чиқарадилар. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Матбуот комитети иқтисодий таълим системаси учун адабиёт, ўқув қўлланмалари ва кўргазмали қўлланмалар нашр этиш планини ишлаб чиқди. Нашриётлар саноат ишчилари, бинокорлар, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, савдо, маиший хизмат ходимлари учун ўқув планларидаги темалар бўйича кутубхоначилар, оммабоп илмий брошюралар нашр этадилар; илмий-методик қўлланмаларни ва халқ хўжалиги тармоқларининг ўзига хос хусусиятлари, фан ва илғор тажриба ютуқларини акс эттирадиган ва шу тўғрида маълумот берадиган материалларни нашр этадилар.

Умумиқтисодий журналлар ва тармоқ журналлари ўқув программаларига мувофиқ ўқувчиларнинг муайян категориялари учун тайёрланган мақола ва материалларни босиб чиқарадилар. «Экономическая газета», «Социалистическая индустрия», «Сельская жизнь», «Труд», «Строительная газета», «Гудок», «Советская торговля» газеталари ва бошқа газеталар махсус рубрикалар ташкил этадилар.

5. Партия маорифи системаси кадрларга иқтисодий билим беришни яхшилаш вазифаларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Марксча-ленинча назариянинг таркибий қисмларини изчиллик билан эгаллаш тартиби сақлаб қолинганлиги ҳолда, экономика масалаларини ўрганишни янгидан жорий қилинадиган иқтисодий таълим программаларига қараб ўюштириш мақсадга мувофиқдир.

Бошланғич сиёсий мактабларда иқтисодий билим асослари икки йиллик иқтисодий мактаблар программасига мувофиқ ўрганилмоқда. Марксизм-ленинизм асосларини ўрганиш мактабларида сиёсий иқтисод ёки илмий коммунизм асослари ўрганиб чиқилганидан кейин ишчилар учун «Иқтисодий билим асослари» курси бўйича машғулотлар, бошқарувнинг ўрта звеноси раҳбарлари учун эса «Ишлаб чиқариш экономикаси ва уни бошқариш асослари» курси бўйича машғулотлар ўюштирилиши мумкин. марксча-ленинча таълимнинг олий звеносида иқтисодий проблемалар юзасидан назарий семинарлар тематикаси, марксизм-ленинизм университетларининг ва район партия-хўжалик активи мактабларининг иқтисодий курслари иқтисодий таълим системасининг ўқув планлари ва программаларига мувофиқлаштириб олиб борилади.

1972/73 ўқув йилига пухта тайёргарлик кўриш — КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажаришда муҳим ва масъулиятли босқичдир. Партия органлари кенг кўламда ташкилотчилик ишларини олиб боришлари. давлат, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг бу соҳадаги ишларини мувофиқлаштиришни яхшилашлари барча меҳнаткашларнинг иқтисодий тайёргарлигини юксак даражага кўтариш юзасидан ана шу ташкилотларнинг фаолиятини мунтазам суратда контроль қилиб туришни таъминлашлари керак.

(**«Экономическая газета»нинг февраль ойида чиққан 9- сонидан**).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Р. ҒОЙБОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН АГРОНОМ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Партия ва хўжалик органларидаги кўп йиллик самарали ишлари, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область комитетининг биринчи секретари Рўзмет Ғойбовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил, 17 март.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

М. С. БУТЕЛЬКИНГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ва самарали иши, шунингдек республика полиграфия саноатини ривожлантириш соҳасидаги актив иштироки учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти директорининг ўринбосари Михаил Соломонович Бутелькинга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил, 17 март.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

М. А. АКОПОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН БИНОКОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ва самарали иши ва шунингдек, ботиқ босма комплекси қурилишида актив қатнашганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи Михаил Айрапетович Акоповга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил, 17 март.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. М. МУХИНГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН ЭКОНОМИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР қурилиш банки системасидаги кўп йиллик иши ва республикада капитал қурилиш экономикасини мустаҳкамлаш соҳасидаги хизматлари учун СССР қурилиш банки Ўзбекистон конторасининг бошқарувчисининг ўринбосари Василий Михайлович Мухинга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил, 17 март.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Соғлиқни сақлаш муассасаларидаги кўп йиллик, самарали иши учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Н. А. Семашко номли Ўзбекистон давлат курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг директори Ёқуб Каримбобоевич **Мўминов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Ўқув юртларида рус тили ўқитишни янада яхшилаш масаласига бағишланган республика кенгаши олдидан

УЛУҒ ВА ҚУДРАТЛИ

Ғ. АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри.

РУС ТИЛИ ҳозирги кунда кўп миллатли совет халқининг иккинчи она тилига, тинчлик ва тенглик ғояларининг буюк овозига айланди. Совет кишиларининг умумий тили бўлган рус тили дунёдаги оддий меҳнаткаш халқлар учун ҳам ғоят тушунарли ва қадрдон тил бўлиб қолди. Бу тилни жаҳондаги эзилган ва озодлик йўлидаги бораётган мамлакатларнинг халқлари севиб ўрганмоқдалар. Рус тили кўпгина демократик мамлакатларнинг мактабларида ўқитиладиган тилга айланди.

Рус тилининг аҳамияти кишилик жамияти тараққиёти манфаатларидан келиб чиқмоқда. Чунки рус халқи инсоният тақдирида жаҳоншумул тарихий роль ўйнаган халқдир.

Ўрта Осиёнинг ўтмишдаги атоқли донишмандлари Фурқат, Аҳмад Дониш, Абай, Тўхтагул ва бошқалар дахшатли реакция йилларидаёқ ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз ва бошқа халқларнинг рус халқи билан дўстлашиши ғояларини илгари сурдилар. Улар рус фани, маданияти, санъатини ўрганишнинг қизғин ташвиқотчиларига айландилар. Ўзбек демократ шоири Зокиржон Фурқат, рус халқи Туркистон аҳлига чинакам дўстлик туйғулари билан қарайди ва Туркистон ўлкасининг гуллаб-яшнашини истайди, деган эди. У, ўлка маданиятини кўтариш учун албатта рус тилини ўрганиш керак, деб уқтиради.

Ўрта Осиё халқлари инсонят борича ҳамма жойда бу чақириққа амал қилдилар. В. И. Ленин совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ ўзбекларнинг бошқа халқлар билан бир қаторда «рус тилини иштиёқ билан ўрганаётганларини» қайд этган эди. Совет даврида рус тили улуғ рус халқининг миллий тили бўлишидан ташқари, СССР халқлари ўртасидаги миллатлараро воситага ва халқаро алоқалардаги энг асосий тиллардан бирига айланди. «Совет Иттифоқидаги барча социалистик миллат лар ва элатлар тилларининг ҳар томонлама ривожланганлиги — мамлакатимизда миллий масалани муваффақиятли ҳал этишнинг муҳим натижасидир, ўтмишда ўз ёзувига эга бўлмаган 40 дан ортиқ халқ совет даврида илмий асосда ишлаб чиқилган ўз ёзувига эга бўлди ва эндиликда уларнинг адабий тили ривожланиб бормоқда», дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарорида.

Айни пайтда барча ўқув юртларида она тили билан бир қаторда рус тили ҳам ўргатилмоқда. Юқоридаги қарорда яна шундай дейилади: «СССРдаги барча миллат ва элатлар рус тилини ўз ихтиёрлари билан миллатлар орасидаги алоқа ва ҳамкорликнинг муштарак тили деб қабул қилдилар. Рус тили совет халқларининг ўзаро алоқа боғлашлари ва жипслашувлари учун қудратли қурол, Ватан ва жаҳон маданиятининг энг яхши ютуқларидан баҳраманд бўлиш воситаси бўлиб қолди».

В. И. Ленининг рус тилини кенг ўрганиш ҳақидаги васиятлари мамлакатимизда тўла амалга ошмоқда. СССР миллий республикалари қўлга киритган катта тарихий тажриба ва Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги тараққиёт шуни кўрсатдики, рус тилини иккинчи она тили сифатида ўқитиш ҳаёт қўяётган муҳим талабларнинг бири эди. Маърифий жиҳатдан рус тилини ўрганиш мамлакатимиз халқлари учун янги дунёнинг, рус маданияти, илғор фани ва техникасининг эшигини очиб бериб, социалистик маданиятни яратишнинг қудратли омилига айланса, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан эса рус тилини ўрганиш улуғ рус халқи билан Иттифоқимизнинг бошқа халқлари ўртасида коммунизм учун курашда муҳим восита ролини ўтади. Шу сababли ҳам рус тилини барча миллат ва элатларнинг студентлари катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Ҳозирги пайтда республикамизда 39 олий ва 168 ўрта махсус ўқув юртлари мавжуд бўлиб, уларда 270 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. 13 педагогика институти ва 2 университетда, шунингдек 16 ўрта махсус ўқув юртида рус тили ва адабиёти бўйича педагог ва илмий ходимлар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати рус тили ўқитувчиларини тайёрлаш ишига ҳамиша катта ғамхўрлик кўрсатиб келмоқдалар. Уларнинг ташаббуси билан 1963 йилда Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти ташкил этилди. Бу институт миллий мактабларга юқори малакали рус тили ўқитувчилари етиштириб бериш билан бирга, миллий мактабларда рус тилини ўқитиш методикаси проблемаларини ҳам ишлаб чиқмоқда.

Биз тўққизинчи беш йилликда 20 мингга яқин рус тили ўқитувчиларини тайёрлаб етиштиришни мўлжаллаяпмиз. Бу республика мактабларининг шу ихтисосдаги кадрларга бўлган эҳтиёжини тўла қондиради. Шуни мамнуният билан қайд қилиш керакки, кейинги йилларда республика олий ўқув юртлари рус тили кафедралари ходимлари томонидан миллий группаларда рус тилини ўқитишга оид 12 оригинал дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилиб, нашр этилди. Булардан ташқари рус тилини ўқитиш методикаси масалаларига бағишланган тўпламлар ҳам чиқарилди.

Кейинги йилларда рус тили кафедралари мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртлари қўлга киритган тажрибаларни ўрганмоқдалар, ўқув жараёнига таълимнинг янги форма ва методларини жорий этмоқдалар. Ана шундай самарали усуллардан бири—ўқув жараёнига техник воситаларни киритиш масаласидир. Ҳозирнинг ўзидаёк республикамиздаги етакчи педагогика олий ўқув юртлари ва университетларда техник воситалар ёрдамида ўқитиш лабораториялари ташкил этилди.

Рус тили ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда, уларни марксизм-ленинизмнинг ғоявий хазинаси билан қуроллантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Биз ҳамиша В. И. Ленининг таълим бериш ва тарбия системаси ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга қаратилиши зарурлиги ҳақидаги кўрсатмасига амал қилиб келмоқдамиз. Рус тилини ўрганиш катта тарбиявий имкониятлар яратиб беради. Лекин энг муҳими шу имкониятлардан тўла фойдалана билиш зарур.

Тарбия ишидаги муҳим масалалардан бири — ёшларга кун сайин пролетар интернационализми ғояларини чуқур сингдира бориш дан иборатдир. Бу масалада ҳам рус тили бой имкониятларга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, СССР Министрлар Совети қарорига биноан 1966 йилдан бошлаб РСФСР ва Украина олий ўқув юртларига республикамиздан йилига 1000 киши ўқишга юборилятти. У ерларда таълим олаётган ёшларимиз рус тилининг буюк қудратини амалда кўрмоқдалар, улар жаҳон фани ва маданияти эришган даражага етишишда рус тилидан фойдаланмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси жонажон партиямизнинг ленинча миллий сиёсати туфайли, мамлакатимизда қарор топган буюк халқлар дўстлиги туфайли, пролетар интернационализми туфайли рўёбга чиқмоқда.

Рус тилини ўрганиш ишини янада яхшилаш борасида гап юритар эканмиз, бу соҳада республикамиз учун малакали мутахассислар етиштиришда Россия Федерацияси ва Украина СССР бераётган катта ёрдам ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни истаймиз. РСФСР ва Украинанинг 30 педагогика олий ўқув юртида ҳозир ўзбекистонлик 4200 ўғил-қиз таълим олмоқда. Республикамиздан борган бу ёшлар РСФСР ва Украина Маориф министрликлари, маҳаллий партия ва совет органлари, олий ўқув юртларининг ректорлари, профессор ва ўқитувчилар состави ҳамда жамоатчилик ташкилотлари томонидан катта ғамхўрлик билан қамраб олинганлар. Барча студентлар ётоқхона билан таъминланган, уларнинг аксарияти стипендия олиб ўқимоқда. Республикамиз учун малакали кадрлар тайёрлашда берган бу беғараз ёрдамлари учун РСФСР ва Украина педагогика олий ўқув юртларининг кўпгина ўқитувчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари ва «Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси» нишони билан мукофотландилар.

Рус тилини ўрганишдаги салмоқли ютуқларимиз билан бирга, бу соҳада ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган анчагина муаммолар ҳам бор. Аввало шуни айтиш керакки, рус тилидан дарс берувчи айрим ўқитувчиларимиз ўз талабаларининг бу соҳада мукаммал илмга эга бўлишлари ҳақида яхши қайғурмаётирлар. Улар машғулот пайтида кўпинча грамматикани ўқитишга берилиб кетиб, оғзаки ва ёзма нутқни такомиллаштиришга кам аҳамият беряптилар. Улар студентнинг рус тилини амалда пухта ўрганиб чиқишига эришмаяптилар. Бу соҳада аудиториядан ташқарида олиб бориладиган тарбиявий ишлар формаси ҳақида ҳам яхши бош қотиришмаяпти.

Олий ўқув юртлари ва техникумларда фойдаланилаётган рус тили бўйича программалар ҳам ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Улар эскириб қолган, уларда ихтисослик хусусиятлари ҳисобга олинмаган. «Олий мактаб» нашриётининг йўқлиги сабабли олий ўқув юртлари ва техникумлар учун мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмалари вақтида нашрдан чиқарилмайди.

Ҳаётнинг ўзи, совет жамиятининг бутун тараққиёт йўли рус тили миллатларнинг жипслашувида, маданиятларнинг бойишида ва умуман коммунизм қурилишида бундан буён ҳам муҳим, ҳал қилувчи роль ўйнашини кўрсатиб турибди. Бундан студентлар ва ўқувчиларни рус тилини пухта биладиган кадрлар қилиб етиштиришдек масъулиятли вазифа келиб чиқади. Шунга эришмоқ керакки, олий ўқув юрти ва техникумларни битириб чиққан ҳар бир мутахассис рус тилини пухта билсин, унинг рус тилидан олган билими жамиятда яшаши учун, ҳозирги замон ишлаб чиқаришида ишлаши учун кўмаклашадиган бўлсин.

РАҲБАР ПАРТИЯ КАДРЛАРИНИНГ ЎҚУВИ

Тошкентда партия ва совет кадрларини қайта тайёрловчи республикаларо курсларда машғулотлар тамом бўлди. Курс тингловчилари—Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон Компартиялари шаҳар ва шаҳарлардаги район комитетларининг биринчи секретарлари, область партия комитетлари ва партия Марказий Комитетлари ташкилий-партиявий бўлимлари, саноат, транспорт ва алоқа бўлимлари масъул ходимлари марксча-ленинча назария ва КПСС сиёсатининг, партия қурилишининг актуал проблемаларини, социалистик экономикани илмий негизда бошқаришнинг асосий масалаларини ўргандилар.

СССР ташкил этилганлигининг тарихига бағишланган ҳозирги босқичда идеология ишининг баъзи масалалари, Ўрта Осиё республикаларида ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилишига доир масалалар, халқ хўжалигини бошқаришнинг юридик жиҳатлари тўғрисида ва бошқа мавзуларда лекциялар ўқилди.

Курсларда Ўрта Осиё республикалари партия ва совет органлари раҳбарлари, таниқли олимлар ва мутахассислар сўзга чиқдилар.

Ташкилий ва сиёсий иш, хўжаликка ва маданий қурилишга партиявий раҳбарлик тажрибалари муҳокама қилинди. Курслар тингловчилари Тошкентнинг бир қанча илғор саноат корхоналарида бўлиб, уларнинг партия ташкилотлари фаолияти билан танишдилар.

18 мартда—машғулотларнинг якунловчи кунида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

«ВОЛГА» МУБОРАК

Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг механизатори Уразали Бозоров пахтачиликни, хусусан теримни комплекс механизациялашдаги катта хизматлари учун якинда «Волга» енгил машинаси билан тақдирланди. Шунингдек, район хўжаликларининг илғор пахтанорларидан 9 кишига «Москвич», «Запорожец» автомашиналари, 40 кишига турли маркадаги мотоциклар берилди. Юксак мукофот механизатор-пахтакорларни янги зафарларга чорлаяпти.

О. ҲАКИМОВ.

МЕХАНИЗАТОР ҚИЗЛАР

Шеробод район комсомол ташкилотининг ташаббуси билан «Узсельхозтехника» район бирлашмаси ҳузурида бундан икки йил олдин механизаторлар тайёрлаш курси очилган эди. Ҳозиргача бу курсни 52 қиз битириб чиқиб, колхоз ва совхоз пахта далаларида фидокорона меҳнат қилятти. Улар 1970 йилда 2 минг тонна, 1971 йилда 3 минг тонна пахта тердилар. Яқинда донгдор механизаторлардан Чиннихон Худоёрова билан Адолатхон Ваҳобова енгил машина билан мукофотланди. Робия Муҳаммадиева, Ҳолбиби Ваҳобова, Зулфия Носирова Нуршод Турсунова, Муҳаррама Қурбоновалар ҳам хизматларига яраша тақдирландилар.

Ҳозир курсда яна 50 хотин-қиз таълим олятти. Улар 1972 йил баҳоридан бошлаб деҳқонинг мададкори бўлган машиналарни бошқарадилар, кузда «зангори кема»ларда пахта терадилар.

А. ХАЛИЛОВ.

ПАРРАНДАБОҚАРЛАР ТУҲФАСИ

Ильич номли совхоз парранда-боқарлари бултур давлатга 920 минг дона тухум топширган эдилар. Бу йил 1 миллион 200 минг дона тухум топшириш мажбуриятн олинган. Шу кунларда ферма ходимлари кунига 5000—5500 дона тухумни тайёрлов пунктларига етказиб бермоқдалар. Эрта-индин ҳар куни 8500-9000 дона тухум тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ЛЕНИН МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

ҚАҲРАМОНЛИК МАДҲИЯСИ

КИНО

Улуғ Ватан уруши тарихини, ажойиб ҳарбий саркардаларимизнинг, оддий жангчиларимизнинг бу урушда кўрсатган беқиёс қаҳрамонликларини, ватанпарварлик намуналарини, совет ҳарбий санъатининг афзаллигини тараннум этиш тарихчи олимларнинг, ёзувчи ва санъаткорларнинг ҳамон диққат-эътиборини жалб этиб келмоқда. Совет кинематографчилари томонидан бу темага бағишлаб кўплаб бадиий фильмлар яратилди. Ана шу фильмлар орасида Улуғ Ватан урушининг асосий, ҳал этувчи даврларини кенг кўламда ўз ичига қамраб олган «Халоскорлик» киноэпопеяси («Ўтли ёй», «Ёриб ўтиш», «Асосий зарба», «Берлин учун жанг», «Сўнгги ҳамла» фильмлари) катта аҳамиятга эгадир. Бу фильмлар бутун бир жангнома бўлиб, Сталинградда, Москва бўсағасида, Смоленскда, Ленинград атрофида, Украина, Белоруссияда ва фронтнинг бошқа жойларида, ниҳоят мамлакатимиз ташқарисида, Германияда дахшатли жанг қилиб, дунъонга етказилган талафот, уни таслим этиш каби жуда йирик воқеаларни ўз ичига олган катта асардир.

Шонли совет қўшинларининг олиб борган тарихда тенги йўқ, йирик операциялари, улар ўзларининг халоскорлик бурчларини қандай адо этганликлари «Мосфильм» киностудияси томонидан (ГДР, Польша, Италия киностудиялари иштирокида) ишлаб чиқарилган «Халоскорлик» киножангномасининг тўртинчи — «Берлин учун жанг» ва бешинчи — «Сўнгги ҳамла» фильмларида ҳикоя қилинади. Бу фильмларни айни шу кунларда Тошкент киномухлислари жуда қизиқиб томоша қилмоқдалар.

Сўнгги ҳал қилувчи бу жангга совет қўшинлари ўзларининг буюк ҳарбий тажрибага эга бўлган қўмондонлари раҳбарлигида пухта тайёргарлик кўрадилар. Ўша дамларда фронт билан Москва Кремли — СССР Қуролли Кучлари Бош қўмондонлиги орасида мунтазам алоқа қилиб турилади. Бош қўмондон Сталин (бу ролни Бухути Закариадзе ижро этади) босиқлик ва ишонч билан маршаллар, гечераллар таклифларини эшитади, сўнгра сўнгги, аниқ, ҳал қилувчи ҳужум режалари тузилади, оператив кўрсатмалар берилади. Бу картиналарда ғоят қийин ва машаққатли ўша дамларда бизнинг ҳарбий саркардаларимизнинг юксак ақл-идрокка эга, ҳарбий санъатнинг моҳир кишилари эканликлари катта талант билан тараннум этилади.

Шарқий фронтда совет жангчиларидан қақшатқич зарба еб бирин-кетин маглубиятга учраб чекинган, эндиликда Германияда, Берлин атрофида жанг қилаётган немис қўшинлари сўнгги жон талвасасини кечиришарди. Ўзининг охирги қароргоҳи — рейх канцеляриясига биқиниб олган Гитлер (бу ролни артист Фриц Диц ижро этади) ҳамон ўз атрофидаги генералларга ҳайқириб, буйруқ бериб жангни давом эттиришни талаб этади. Фронтлардан келган маглубият тўғрисидаги хабарларни эшитган Гитлер ўз генералларидан ҳавфсирар, васвасага тушарди. Унинг ранги бутунлай ўчган, кўллари қалтирок бўлиб колган.

Висла-Одер операцияси бошланади. Мана, кенг жанг майдони... Жуков (артист Михаил Ульянов), Конев (артист Василий Шукшин), Ракоссовский (артист Владлен Давидов) қўмондонлиги остидаги учта фронтнинг жангчилари ёвга қарши шиддатли ҳужум қилиб, Германия пойтахти — Берлин томон борадилар. Урушда душманга даҳшат сола бошлаган қудратли танкларимиз, зарбдор артиллериямиз ерда, тезучар ва мустаҳкам самолётларимиз осмонда жанг қилиб, душман кучларига ўнгарилмас зарба берадилар.

Ана шундай жангу жадал кунларда инглиз-америка қўшинлари Германиядан олисда жанг қилишмоқда. Ўша пайтдаёқ Англия ҳукумати бошлиғи Черчиль «руслардан ўзиб кетиш керак» деган таклифни олдинга суради. Шу мақсад йўлида иттифоқчилар Гитлер бакиллари билан бир ёқлама, зимдан учрашув бошлашади. Тог оралиғидаги пана ўрмонзорда Америка марказий разведка бошқармасининг бошлиғи Даллес билан Гитлер эмиссари учрашиб, тил бириктирадилар. Аммо бизнинг ҳушёр ҳарбий разведкачиларимиз бу учрашувни фош этишади. Маҳфий равишда учрашганлар сурати Ялта конференциясида Рузвельтга кўрсатилди. Иттифоқчиларнинг немислар билан олиб борган алоқалари, уларнинг найранглари фош этилади.

«Сўнгги ҳамла» деб номланган фильмда ҳам биз олдинги фильмлардаги қаҳрамонларни учратамиз. Ўша фильмларнинг қаҳрамонларидан Орлов (артист Борис Зайденберг) энди полкка командирлик қилмоқда. Цветаев (артист Николай Олялин) ўзининг қудратли оғир тўплари билан, Васильев (артист Юрий Каморний) эса танклари билан қадамма-қадам жанг қилиб, Берлинга кириб борадилар.

Инсонят бошидан кечирган урушлар тарихида жуда маҳкам мудофаа этилган шаҳарга тунда ҳужум қилиб, уни забт этиш дарли бўлмаган. Лекин маршал Жуков Берлинга тонг отишта икки соат қолганда кучли ракета прожекторлари шуъласи остида ҳужум қилиш йўлини танлайди. Бу ўткир шуъла душманлар кўзини қамаштириб қўяди. Бизнинг баҳодир жангчиларимиз Берлин остоналарида душманнинг мустаҳкам истеҳкомларини, уларнинг кучларини бир-биридан кесиб қўйиб, олдинга ташланадилар. Шаҳарнинг ҳар бир кўчасида, ҳар бир квартали ва ҳар бир уйида, кўп қаватли биноларнинг даҳлиз ва йўлакларида қаттиқ жанглар боради. Томошабин Ярцев ротаси жангини, Цветаев дивизиони ҳамласини, Гитлер бункери ва унинг сўнгги қароргоҳидаги нотинч вазиятни қаҳжонланиб кўздан кечиради.

Қонхўр Гитлер инсониятга қарши ҳеч қандай ёвузликлардан тортинмайди. Бу ўта мутаассиб жаллод учун инсон ҳаёти ҳеч нарса эмас. Фильмда фашизм инсониятнинг энг ёвуз душмани эканлиги бир эпизодда ўз аксини топган. Берлинлик ярадорлар, кексалар ва ёш болалар шаҳар метросида жон сақлардилар. Бизнинг солдатларимиз Гитлер қароргоҳига шу метро туннели орқали маҳфий йўл борлигидан хабардор бўлиб, жанг қилиб, ўша томон борадилар. Шу пайт Гитлер метрога Шпрее дарёси тўғонини очиб юбориш ҳақида буйруқ беради. Метронинг сувга ботиши, ёрдамсиз қолган кишиларнинг ҳалокати, совет солдатларининг ярадор ва кексаларни ҳамда болаларни қутқариб қолиш учун жон фидо этиб курашганлари, уларнинг ораларидан бир қанчалари ҳалок бўлиши фильмда юксак маҳорат билан кўрсатилган.

Бизнинг баҳодир солдатларимиз шиддатли жанг қилиб, Рейхстаг устига ол байроқ тикадилар.

Совет қўшинларининг ашаддий душман устидан қилган ғалабаси ҳақидаги бу фильмни кўрар эканмиз, улуғ доҳийимиз В. И. Ленининг башорат қилиб айтган мана бу сўзларини яна бир бор эслаймиз: «Ишчи ва деҳқонларнинг кўпчилиги ўзларининг Совет ҳокимиятини — меҳнаткашлар ҳокимиятини ҳимоя қилаётганликларини, ўзлари ҳимоя қилаётган ишнинг ғалабаси уларга ва уларнинг болаларига маданиятнинг бутун самараларидан, инсон меҳнатининг бутун самараларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашни билган, ҳис этган ва кўрган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди».

«Халоскорлик» кино жангномаси, унинг сўнгги икки фильми ҳам сўзсиз совет кинематографияси санъатининг улкан ютуқларидандир. Бунинг боиси шундаки, кинодраматург Юрий Озеров, Оскар Курганов, Юрий Бондарев яхши сценарий ёздилар. Бош оператор Игорь Слабневич, постановкачи режиссёр Юрий Озеров ажойиб артистлар ансамбли билан ҳамкорликда олти йил мобайнида катта ижодий меҳнат қилдилар. Совет ҳарбий санъатининг машҳур саркардалари ролларини ўйнаган М. Ульянов, В. Шукшин, М. Постников, В. Давидов, И. Переверзев, Д. Франько, К. Забелин ва бошқа ҳамма артистлар ўз маҳоратлари, талантларини намойиш килганликлари оқибатида шундай ажойиб асар яратилишига эришилган, албатта.

Фильмнинг катта аҳамияти шундаки, у айни пайтда кишиларни, айниқса ёшларни урушга қарши, тинчлик учун курашга чорлайди, уларни ватанпарварлик, қаҳрамонликка даъват этади. Шу нуқтаи назардан «Халоскорлик» кино жангномасининг Ленин мукофотига тавсия этилганлиги жуда ўринлидир.

Санжар ТИЛЛА.

ТЕШИК ҲАМЁН

ФЕЛЬЕТОН

Эрниёз билан Шерниёз дардлашяпти.

— Югурамиз-еламиз, тер тўкамиз. Аммо, ҳисоб-китобга навбат келганида, негадир ҳамёнда барака кам. Бунинг боиси нимада экан? — дейди Эрниёз.

— Мен ҳам шунга ҳайронман. Ҳамённинг бирор жойида тешиги бормикин ё? — елка қисади Шерниёз.

Икки улфат анча мулоҳаза килишди. Ниҳоят. Эрниёз бошини кўтариб, шеригига юзланди:

— Тоғдим, тоғдим. Ҳали айтганингдек, ҳамённинг бир тешиқ жойи бор экан. У ҳам бўлса — чорвачилик.

— Ҳимм... Тушундим. Даромаднинг бир қисмини чорвачилик ютяпти дегин?! — шеригининг фикрига қўшилди Шерниёз.

Масала равшан. Эрниёз билан Шерниёз ўз чўнтаклари ҳусусида эмас, коллектив хўжаликнинг иктисоди, даромади, фойда ва зарари тўғрисида фикрлашаётган экан. Шундай бўлиши табиий: колхоз ҳамёнининг хўжайини — колхозчи. Хозирги деҳқон иқтисодий билимларни эгаллаб, хўжалик экономикаси ҳакида чуқурроқ мулоҳаза юритадиган бўлиб колди.

Ана энди Эрниёз билан Шерниёзнинг фикрини тасдиқлаш учун фактларга мурожаат қиламиз. Гап — Қўшкўпир районидаги «Тошкент» колхозида чорвачиликнинг ачинарли аҳволга тушиб қолгани ҳақида кетяпти. Бу хўжаликда чорвачиликдан келган зарарни қоплаш колхозга жуда қимматга тушмоқда.

Баъзи рақамларга диққат қилинг. Хўжалик кейинги беш йил ичида чорвачиликдан 263 минг сўм зарар кўрди. Икки юз олтмиш уч минг сўм! Шунча пул ҳисобига сут-товар фермасини комплекс механизациялаш ёки ҳашаматли клуб, кинотеатр қуриш мумкин эди. Ўтган йилги зарар ҳам чакана бўлмади. Эллик тўққиз минг сўм! 50 бола тарбияланадиган боғча колхозга 22 минг сўмга тушганлигини эътиборга олсак, бу маблағ иккита боғча бунёд қилишга етиб ортарди.

Қизиғи шундаки, чорвачилик шу аҳволга тушса ҳам, колхоз раҳбарлари хотиржам, кайфиятларида на ташвиш аломати бор, на хижолат. Афтидан, улар бу тармоқнинг оқсашига ва зарар келтиришига кўникиб қолишган. Зарарни қоплашнинг йўли эса оппа-осон: хазинага пахтадан катта даромад кириб турибди.

Колхоз раиси Отаназар Хўжаниёзов фойда билан зарарнинг фарқига борадиган одам. Чорвачиликдан фойда ўрнига зарар кўрилаётганлигининг сабабларини ҳам билади: озуқа етар-етмаслигини, механизациялаш даражасининг пастлиги натижасида чорвачилик оқсаяпти. Афсуски, қуруқ эътироф этишдан наф чиқмаётир.

Фермадаги сигирлар оч-наҳор, рациондаги озуқани тушларида ҳам кўришмайди. 315 сигирдан фақат 155 таси соғилади. Ҳар сигир ҳисобига кунига соғилаётган сут бир ярим-икки литрдан ошмайди.

Сут-товар фермасига ўрнатилган «тандем» соғиш агрегати занглаб ётибди, унинг талай қисмлари йўқолиб кетган. Анча маблағ эвазига сотиб олинган биноийдек агрегат бракка чиқарилган.

— Аканг қарағай оссеминатор бўлдилар! Чорвачиликда бизнинг ҳам ҳиссамиз катта, — дейди Қодир Собиров.

Ана шу акамизнинг хизматлари бор бўлса бордир-у аммо бултур ҳар 100 сигирдан 50 бузоқ олинганлиги, «ҳисса»нинг қанчалигини яққол кўрсатиб турибди. Акс ҳолда бултур 63816 сўмга 116 бош мол бозордан сотиб олинмаган бўларди.

Колхозда ўтказилган йиллик ҳисобот йиғилишида чорвачилик бош мавзулардан бири бўлди. Озуқа етишмаган даврларда моллар ориқлаб, тонналаб гўшт йўққа чиқарилганлиги эътироф қилинди. Комил Ражабов ферма мудири бўлган даврида колхозга катта моддий зарар етказди. Х. Каримов, О. Солаев каби чорвачилик ходимларининг масъулиятсизлиги колхозга қимматга тушди. Афсуски, улар сувдан қуруқ чиқишди, қарздан ҳам, гуноҳдан ҳам осонгина халос бўлишди.

Чорвачиликдан зарар кўрилишига, колхоз ҳамёнида бунақа «тешик»нинг бўлишига ҳеч қандай асос йўқ. «Тошкент» колхозида чорвачиликнинг оқсашига барҳам бериш учун қатъий чоралар кўрилиши лозим.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ОҚИЛЖОН ОПАГА ГАЗ КЕРАК»

Газетамизнинг 1972 йил 13 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада Урганч шаҳар Димитров кўчасида яшовчи Оқилжон Сафоева бошига тушган «ажаб саздолар» ҳақида ёзилган эди. Хоразм область газлаштириш трести ва Урганч шаҳар газлаштириш идорасининг масъулиятсиз раҳбарлари уни 1967 йилдан буён сарсон-саргардон қилишади. Натижада О. Сафоева областнинг раҳбар ташкилотларига, ниҳоят редакцияга шикоят билан мурожаат этишга мажбур бўлади.

Мақола тенширыш ва чора кўриш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Газлаштириш бош бошқармасига юборилган эди. У ердан слинган жавобда айтилишича, мақолада келтирилган фактлар тасдиқланган. Хоразм область газлаштириш бошқармаси тўғри танқид қилинган. Сансалорликка йўл қўйгани учун область газлаштириш бошқармасининг инженери О. Ульяновага маъмурий жазо берилган. О. Сафоеванинг уйига табиий газ берила бошлаган.

ТОШКЕНТДАГИ «Юлдуз» фирмасининг илғор чевари А. Жалолова фақат юқори сифатли маҳсулот тайёрлаб бераётир. Юқоридаги суратда пешқадам тикувчини иш устида кўриб турибсиз. Пастдаги сурат эса Тошкент бадиий буюмлар фабрикасидан олинган. Бу ерда чорак асрдан бери намунали меҳнат қилиб келаётган С. Тоҳлипов ўзининг ҳалол меҳнати билан барчага ўрнак бўлмоқда.

А. Тўраев фотолари.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

УРАЛНИНГ ҚАДИМИЙ ОДАМЛАРИ

Уралда бундан 70 минг йилча муқаддам, яъни олимлар фараз қилганларидан ҳам 35 аср аввал одамлар яшаган. Табиий пана жойлар неандерталь даврининг одамларига манзиллик вазифасини бажарган. Улар гардишсимон катта тошлардан меҳнат қуроли тариқасида фойдаланганлар. Бунинг учун шу тошларнинг бир ёки икки чеккасини силлиқлаб қўйганлар. Улар мана шундай тошлардан ҳозир бизга қўполроқ бўлиб кўринса ҳам, лекин йиртқич ҳайвонларнинг гўштини тилимлаш, ёғоч ва суякларни кесиш учун бемалол ярайдиган болтасимон асбоблар ясаганлар.

СССР Фанлар академияси Археология институтининг профессор О. Н. Бадер раҳбарлигидаги экспедицияси Магнитогорскдан тахминан қирқ километр нарида қазиш ишларини олиб борганида мана шундай болтасимон асбобларнинг катта коллекциясини топди. Қадимий одамлар манзили Ўрта Туба номли тепадан топилганлиги учун бу манзилга Ўрта Туба манзили деб ном берилди. Шу тепанинг тошдан иборат тик деворлар билан ўралган чуқурликларида неандерталликларнинг кўпгина бўғинлари яшаган. Неандерталликларнинг ривожланиш даражасига қараб ўрта полеолит даврида яшаган деб ҳисоблашмоқдалар. Бирок эни саккиз метр чамаси ва бўйи икки метрга етадиган мана шу йиғирма беш метрли чуқурлик кейинги замонда, неолит даврида ҳам ўша даврнинг одамлари учун ғанчагина қулай ва муносиб маскан бўлиб хизмат қилган.

Бу ерда топилган тош қуролларининг характери уларни ясаган кишилар ўша даврда Панжобда (Ҳиндистон) тарқалган усулларни эгаллаб олганликларидан далолат бериб турибди. Агар қозоқ археологи Ҳасан Отписбоевнинг Жанубий Қозоғистон территориясида ҳам ана шундай меҳнат қуролларини топганлигини ҳисобга олсак, бундан бир неча ўн минг йиллар мукаддам одамларнинг шимолга қандай йўл билан бориб қолганлигини умуман тасаввур қилиб олиш мумкин. Уралга инсоният тарихидаги энг қадимий маданиятларнинг манбаи бўлган Ўрта Осиё ва Ҳиндистондан қадимий одамлар кўчиб келиб ўрнашиб қолган бўлса керак.

Л. КАЙБИШЕВА, (ТАСС).

УФА ШАҲРИ НЕЧА ЁШДА?

Уфаликлар ўз шаҳрининг тўрт юз йиллигини қачон байрам қилиши керак? Бу шаҳар 1574 йилда ташкил этилганми ёки 1586 йилда ташкил топганми?

Бу ҳусусда тарихчилар кўпдан бери баҳслашиб келмоқдалар. Уфанинг уч юз йиллиги анча кечроқ нишонланган эди. Рус йилномаларида ва чор ҳукуматининг расмий ҳужжатларида Самара билан бир қаторда Уфанинг номи ҳам 1586 йилда тилга олинганлиги сабабли шундай бўлган эди.

Лекин олимларнинг катта бир группаси бу шаҳар анча олдинроқ, яъни 1574 йилда барпо қилинган, деган фикрда қатъий турибди. Маҳаллий ўлкашуносларнинг кўплари, шунингдек XIX аср бошидаги таниқли рус тарихчилари Е. Зябловский билан А. Шчекатовлар ҳам шу фикрда эдилар. Улар йилномаларда Уфанинг номи биринчи марта тилга олинмасдан анча олдин ҳам бу шаҳар қалъа тариқасида ёки пойлоқчилик пости тарикасида мавжуд эди, деган фикрни айтганлар. Бошкирдларнинг шажараларида ҳам Уфа 1574 йилда бунёд қилинганлиги айтилади.

СССР Фанлар академияси Бошқирдистон филиалининг тарих, тил ва адабиёт институтидаги илмий кенгаш ўзининг махсус мажлисини мана шу масалани, яъни Уфанинг ёши нечада деган масалани муҳокама қилишга бағишлади. Бу сафар ҳам олимлар бир фикрга келмадилар. Махсус комиссия тузишга қарор қилинди. Бу комиссия Уфанинг қачон барпо қилинганлигини узил-кесил маълум қилиши мумкин. (ТАСС).

Социализм одимлари

•

Ҳамкорлик битими

•

Италия коммунистларининг анжумани ўз ишини тамомлади

•

Қизиқ воқеалар

•

Плутонийнинг зарарлари

ЖИНОЯТКОРОНА ҲУЖУМЛАР

ХАНОЙ, 16 март. (ТАСС). «Нян зан» газетаси бугун эълон қилган бош мақолада бундай дейилади: Америка империалистлари Шимолий Вьетнам аҳолисига қарши янгидан-янги жиноятларни қилмоқдалар. АҚШ авиацияси Қуангбинь, Хатинь ва Нгеан вилоятларидаги аҳолиси зич бўлган районларни, шунингдек Виньлинь зонасини деярли ҳар куни бомбардимон қилмоқда ва ўққа тутмоқда. Америка авиацияси 3 мартда Хатинь вилоятидаги Камсуйен уезди устига шарикли бомбалар солинган 20 та контейнер ташлади. Бунинг натижасида тинч аҳолидан, кўплаб киши, шу жумладан, қариялар, болалар ўлди ва ярадор бўлди. АҚШ самолётлари 4 ва 5 мартда Хатинь ва Куангбинь вилоятларидаги кўпгина аҳоли пунктларини бомбардимон қилди.

Америка империалистлари, деб ёзади «Нян зан» газетаси, ана шундай вахшиёна жиноятларни қилиб, Ҳинди-Хитойда агрессив урушни тўхтатишни ва Американинг барча қўшинларини дарҳол олиб чиқиб кетишни талаб қилаётган жаҳон жамоатчилигининг фикрини чалғитишга ҳаракат қилмоқдалар. АҚШнинг Вьетнамнинг ҳар иккала зонасидаги, шунингдек Лаос ва Камбоджадаги ҳаракатлари унинг «тинчликка интилаётганлиги» ва «Шарқ-Жанубий Осиё халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилашини қўллаб-қувватлаши» ҳақидаги сохта баёнотига зиддир.

Сўнгги вақтларда, деб давом этади газета, АҚШ Ҳинди-Хитойда ўз ҳарбий-ҳаво кучларидан бундан буён ҳам фойдаланиш ниятида эканлигини билдирди. Бу ҳарбий авантюралар АҚШ ўз агрессив сиёсатини давом эттиришга интилаётганлигидан ва урушни кучайтириш ниятида эканлигидан далолат беради.

Шимолий Вьетнам қуролли кучлари ва халқи, деб таъкидланади бош мақоланинг охирида, жанг қилишга ва ғалаба қозонишга қатъий қарор беришган. Улар ўтган йилнинг охиридан буён душманнинг 40 дан кўпроқ самолётини яксон қилдилар ва американлик кўпгина учувчиларни асир қилиб олдилар.

КАМСИТУВЧИ ҚАРОРГА ҚАРШИ

Нью — Йорк, 17 март. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти атроф муҳит проблемаларини ўрганишга бағишлаб халқаро конференция ўтказади. 5 июнда Стокгольмда очиладиган шу конференциянинг бош секретари Морис Стронг мана шу анжуманда ҳамма мамлакат вакиллари иштирок қилиши кераклигини айтди.

Стронг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорғоҳида ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, жаҳоннинг ҳамма мамлакатлари Стокгольм конференциясида иштирок қилиши зарурлигини эътироф қилаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолари бўлмиш давлатлар тобора нўпайиб бораётганлигини ундириб ўтди.

Маълумки, Ғарб давлатларининг қистови билан Бош Ассамблея қабул қилган қарорда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки унинг ихтисослашган муассасалари аъзоларидан бўлмаган мамлакатларнинг шу конференцияда иштирок қилиши чеклаб қўйилган. Қўшма Штатлар, Англия ва уларнинг Ғарбдаги иттифоқчилари Германия Демократик Республикаси сингари саноати ривожланган мамлакатни бу конференцияда қатнаштиришдан четлатишни мақсад қилиб олганликларини ошкора айтдилар.

Суверен социалистик давлат шу қадар қўпол равишда камситилаётганлиги сабабли Совет Иттифоқи ва Чехословакия Стокгольм конференциясини тайёрлаш комитети ишида қатнашмаслик тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Жанубий Родезия. Бу ерда Ян Смит режими ва Англия-Родезия битимига қарши африкалик аҳолининг оммавий намойиши бўлиб ўтди. Шундан кейин мамлакатда ерли аҳолига қарши ур-йиқит авж олдирилиб юборилди. Қамоқхоналар ҳибсга олинган африкаликлар билан тўлдириб ташланди. Суратда: тиш-тирноғигача қуролланган Жанубий Родезия армияси бўлинмаларидан бирининг солдатлари ҳужумга шай бўлиб турибдилар.

Камера—Пресс—ТАСС фотоси.

ФУТБОЛ

АРМИЯЧИЛАРНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ОМАДИ

Москвалик армиячилар билан «Динамо» командаси футболчилари икки сафардан буён ўз омадларини Тошкентда синаб кўрмоқдалар. 1970 йилнинг декабрь ойида армиячилар икки кун давомида ҳаракат қилиб, мамлакат чемпионати олтин медалини қўлга киритгандилар.

Бу сафарги ўйин СССР Кубоги учун бўлди. Москванинг шуҳратли икки командаси—армиячилар билан динамочилар баҳор нафаси уфуриб турган Тошкентнинг марказий «Пахтакор» стадионида яна юзма-юз келдилар. Пойтахт командаларининг Сочида бўлган биринчи учрашуви армиячилар фойдасига 1:0 ҳисоби билан тугагани мухлисларга аён.

Тошкент ўйини орани очиқ қилиб бериши керак эди. Ўйин бошланиши олдидан Ўзбекистоннинг футбол ветеранлари меҳмонларни олқишладилар. Ўйиннинг биринчи қисми динамочиларнинг устунлигида ўтди. Учрашувнинг иккинчи қисмида командалар қурашга астойдил киришдилар. Лекин ҳар қанча уринилмасин, ҳисоб очилмади.

Тошкент учрашувида 0:0 ҳисобининг қайд қилиниши СССР Кубоги учун мусобақаларда ЦСКА командасини чорак финалга йўллади. Энди армиячилар Ростов-Дондаги клубдошлари билан ҳал қилувчи жангга кирадилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ХАТАРЛИ СИНОВЛАР

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ атом энергияси комиссияси узоқ тадқиқотлар ўтказгандан кейин шуни маълум қилдики, Америка ҳарбий денгиз кучлари учирган йўлдош атмосферада портлаб кетганидан сўнг жанубий ярим шардаги 12 мамлакат территориясига плутонийнинг радиактивли қолдиқлари ёғилган.

Плутоний — ўлдирувчи таъсир ўтказадиган энг барқарор радиактив моддаларнинг бири. 1964 йил 21 апрелда ҳарбий ҳаво кучларининг Ванденбергдаги базасидан (Калифорния штати) учирилган йўлдошдаги термоэлектрик генератор учун шу моддадан ёқилғи тариқасида фойдаланилган эди. Йўлдош орбитага чиқолмади, атмосферанинг қалин қатламлари орасига кириб, Мадагаскардан 30 миля баландликда ёниб кетди.

АҚШ атом энергияси комиссияси кейин ўтказган текширишлар шуни кўрсатдики, плутоний заррачалари атмосферанинг юқори қатламларида 18 ой сақланиб туриб, сўнгра ерга ёғила бошлаган. Кейинги олти йил ичида ўтказилган синаб кўришлар натижасида аварияда сўнг ажралиб чиққан плутонийнинг деярли ҳаммаси ер юзига ёғилганлиги маълум бўлди. Бу плутоний зарралари Бразилия, Аргентина, Чили, Перу, Эквадор, Жанубий Африка Республикаси, Родезия, Кения, Мозамбик, Ангола, Янги Зеландия ва Австралия территорияларидан топилди.

Янги Зеландияда, Бразилияда ва Аргентинада плутоний қолдиқлари энг кўп ёққанлиги аниқланди.

АҚШ атом энергияси комиссиясининг вакиллари авария оқибатларининг бошқа мамлакатлар аҳолисига бўлган хавфини камайтириб кўрсатишга уринди, плутоний қолдиқларининг ерга ёғилган миқдори «йўл қўйилиши мумкин бўлган нормалардан кўп эмас» деб даъво қилмоқдалар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● МИЛАН. Италия Коммунистик партиясининг XIII съезди 17 мартда ўз ишини тамомлади. Съезд қатнашчилари охирги мажлисда съезд мандат комиссиясининг докладини маъқулладилар, ИКП уставига бир қанча тузатишлар киритдилар ҳамда икки ҳужжатни: партиянинг сиёсий резолюциясини ва сайлов олди программасини қабул қилдилар.

ИКП бош секретарининг ўринбосари Э. Берлингуэр якунловчи нутқ сўзлади. Съезд ИКП Марказий Комитетининг янги составини ва марказий контроль комиссиясини сайлади.

Италия Компартиясининг XIII съезди тамом бўлиши билан Италия Компартиясининг янги составдаги Марказий Комитети ва марказий контроль комиссиясининг қўшма мажлиси бўлди. Мажлисда Э. Берлингуэр бир овоздан партиянинг бош секретари, Л. Лонго эса партиянинг раиси қилиб сайланди.

● ХАНОЙ. Бу ерда Руминиянинг 1972 йилда Вьетнамга иқтисодий ва ҳарбий ёрдам бериши тўғрисидаги, хар бир икки мамлакат ўртасида шу йил товар айирбошлаш ва тўловлар ҳақидаги ҳамда Вьетнам Демократик Республикаси билан Руминия ўртасида иқтисодий, илмий ва техникавий ҳамкорлик комитетини тузиш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

ҲИНДИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

ДЕҲЛИ, 18 март. (ТАСС). «Штатлардаги қонун чиқариш мажлисларига сайлов натижалари Ҳиндистон Компартиясининг барча сўл ва демократик кучлар бирлигини мустаҳкамлашга, жаҳон коммунистик ҳаракатини жипслаштиришга, Совет Иттифоқи билан ва барча социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам дўстлик ўрнатишга қаратилган йўли тўғри эканлигини намойиш қилди». Ҳиндистон Коммунистик партияси Марказий секретариатининг матбуот учун бу ерда эълон қилинган баёнотида шу гаплар айтилган.

Баёнотда таъкидлаб ўтилгандек, сайловда реакциянинг маглубиятга учраганлиги ва демократик кучларнинг ғалаба қозонганлиги ишсизлик ва қашшоқлиққа қарши муваффақиятли кураш олиб бориш учун, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигига эришишни ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасини яхшилашни кўзда тутган кескин ўзгаришларни тезроқ амалга ошириш учун янги имкониятлар очиб беради.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

24 МАРТДАН 2 АПРЕЛГАЧА НАМОЙИШ ҚИЛАДИГАН СПЕКТАКЛЛАРИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

КУНДУЗИ	КЕЧҚУРУН
24/III да ЎЛИК МАЛИКА ВА ЕТТИ БАҲОДИР ҲАҚИДА ЭРТАК,	СЕВИЛИЯ САРТАРОШИ.
25/III да ЕРИЛ ТОШ,	КНЯЗЬ ИГОРЬ.
26/III да ЭТИК КИНГАН МУШУК,	ТАНАВОР.
27/III да ДОКТОР АЙБОЛИТ,	ТРАВИАТА.
28/III да СЕМУРҒ,	РИГОЛЕТТО.
29/III да БОГЧАСАРОЙ ФОНТАНИ,	ЧИО-ЧИО-САН.
30/III да ЎЛИК МАЛИКА ВА ЕТТИ БАҲОДИР ҲАҚИДА ЭРТАК,	СЕВИЛИЯ САРТАРОШИ.
31/III да КНЯЗЬ ИГОРЬ,	ОҚҚУШ ҚЎЛИ.

Спектакллар кундуз соат 12 ва кеч соат 7 да бошланади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.25 — ТОШКЕНТ, 9.30 — «Ўйлаб топ?», 10.00 — Музикали кўрсатув, 10.30 — Ўқувчиларнинг телевизион олимпиадаси, 11.25 — МОСКВА, 20.00 — ТОШКЕНТ, 20.10 — Ҳинд кинофильмларидан кўйлар, 21.00 — Телеминиатюралар, 21.40 — АХБОРОТ, 22.00 — «Вақт», 22.30 — Ўзбекистон санъат усталарининг концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 17.00 — «Юлдузча», 17.30 — «Мардлик — мангулик», 18.10 — Ҳужжатли фильм, 19.00 — «Замандас», 20.00 — МОСКВА. Резидентнинг тақдири (бадиий фильмнинг 2-серияси), 21.10 — Концерт, 22.30 — Кинопанорама.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

20 МАРТ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 — МОСКВА. СССР касаба союзлари XV съезднинг очилиши, 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Ишлар ижоди, 18.25 — Совет Армияси жангчилари учун, 18.45 — Республика ёш механизаторлар слети қатнашчилари — студиямиз меҳмони, 19.15 — Республикамиз саноатида — НОТ, 19.45 — Ахборот, 20.00 — МОСКВА. 20.30 — ТОШКЕНТ. 21.30 — Оламда нима гап? 22.00 — Ягона оилада, 23.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.15 — МОСКВА. 18.20 — Янгиликлар, 18.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 19.00 — Китоб жовони, 19.30 — Музикали кўрсатув, 20.00 — Кинофильм, 20.30 — Хайр, набутарлар (бадиий фильм), 22.00 — Телефильм, 22.30 — Концерт.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/III да Этик кийган мушук (кундузи), Спартак (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/III да Йўлчи юлдуз (кундузи), Ажал минораси (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/III да Ҳалима, 20/III да Тошболта ошиқ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — АЛЬБИНА ЗОТОВА раҳбарлигидаги «АФСОНАВИЙ УЛКА» иллюзион аттракционининг гастроллари (кеч соат 7 яримда; шанба кунлари: кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

КИНО

Ҳалоскорлик — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАПАЛ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаводаги саргузаштлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Катта севги — «СПУТНИК», «МОСКВА» «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Парм ибодатхонаси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Дарё орти — чегара — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Рустам ҳақида достон — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Жўръат — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Софья Грушко — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

19, 23, 25, 29 ва 31 МАРТДА Кеч соат 7 яримда

Янги спектакль

Александр ДЮМА

«АЖАЛ МИНОРАСИ»

2 пардали романтик драма

Қ. МИРМУҲАМЕДОВ таржимаси.

Саҳнага қўювчи — А. Островский номли Тошкент театр ва рассомчилик институтининг дипломанти — Б. ИУЛДОШЕВ.

Режиссёр ассистенти — Р. АВАЗОВ.

Рассом — Л. КОНРАД.

Музикаларни мословчи — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. М. ГИНЗБУРГ.

Жангларни саҳналаштирувчи — А. ИСМОИЛОВ.

АСОСИЙ РОЛЛАРДА:

Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Я. АБДУЛЛАЕВА; Ўзбекистон ССР халқ артисти З. МУҲАММАДЖОНОВ; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: П. САИДКОСИМОВ, Т. ТОЖИЕВ, Р. ҲАКИМОВ, О. ЮНУСОВ, Ҳ. ЮНУСОВ ва бошқалар қатнашадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ГОССТРОЙ»И ВА «СРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ» «Узгипросельстрой» институтининг акт залида (Волгоградская кўчаси, «Ц»-квартали) 20 МАРТ КУНДУЗ СОАТ 5 ДА Қарши чўлидаги совхоз ва колхоз посёлкаларида турар-жойларни қуриш бўйича конкурсга келган таклифларнинг ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИНИ ЎТКАЗАДИ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА! МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИ 1972 ЙИЛ МАВСУМИДАГИ КАЛЕНДАРЬ ФУТБОЛ МАТЧЛАРИГА АБОНЕМЕНТЛАР СОТА БОШЛАДИ

КАТТА ХИМИЯ ТЎНҒИЧИ

— Бизларнинг катта химиямиз мана шу ердан бошланади, — дейди инженер Цено Ценов қўли билан қаршимиздаги чексиз ерларни кўрсатиб. Бизлар эса Димитровграднинг катта тепалигида турардик. Пастда эса химия комбинатининг турна қатор трубалари ва корпуслари кўзга ташланарди. Димитровград химиклари ўз мамлакатларига аммиак, ўғит, азот ва сульфат кислотаси, суперфосфат ва қишлоқ хўжалиги учун бошқа ўғитлар ишлаб чиқармоқда ҳамда чет элларга экспорт қилинади. Чорак аср аввалчи...

Ўшанда 1947 йили мана ҳозир қад кўтариб турган уй-жой бинолари кварталлари ўрнида Марица дарёси соҳилида тепалик ва ботқоқликлар билан ўралган лой уйлар бўларди. Улар Димитровград проспекти ва майдони ичра йўқолиб кетаётгандай бўларди. Ёш Халқ Республикаси саноат корхоналарини, шу жумладан химия корхоналарини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини қайта қуриш, ташкил этилган йирик кооперативлар ерларини қайта ишлаш учун кўплаб ўғит талаб этиларди. Ана шундан кейингина бу ерда — Марица соҳилида азот минерал ўғит заводи ва электростанция қуришга қарор қилинди. Қабул қилинган қарорни амалга ошириш учун бу ерга Болгариянинг турли томонларидан ўн тўрт минг йигит-қиз ишлашга келишди...

— Ўша дамлар қаҳрамонлик йиллари эди, — дея тўлқиланиб хикоя қилиб берди менга қурилиш катнашчиси, хозирда эса ТЭС подстанцияси раҳбарларидан бири Георгий Тошев, У билан комбинатда танишиб олган эдим. — Комбинатнинг қурилиши бизларга боғлиқ эканини барча яхши биларди, — деб сўзини давом эттирди у. Бизлар вақт билан ҳисоблашмасдик, қийинчиликларга қарамасдан юксак ташаббус билан ишлардик. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Ахир бизлар ўша йиллари Совет Армиясининг ёрдами билан капитализм сиртмоғидан озод бўлиб, эркинликка эришган эдик, қилаётган ҳамма ишларни ўзимиз учун, халқ учунлигини яхши билардик... Совет кишилари бизлар билан ёнма-ён туришиб ўзларининг тажрибаларини ўргатишиб, ҳамма соҳада ёрдам беришарди.

Завод совет лойиҳаси бўйича қурилди, совет асбоб-ускуналари билан жиҳозланди, уни совет мутахассисларининг ўзлари ўрнатишди.

— Ана бу ёққа қаранг, — деди инженер Цено Ценов ун-чалар катта бўлмаган стендни кўрсатиб, — у заводга кираверишда ўрнатилган экан. Стендга совет кишиларининг суратлари қўйилган, улар заводни лойиҳалашда ва уни қуришда ёрдамлашишган, комбинат цехларида йигирма йиллар бери ишлашаётган болгар йигит-кизларининг суратлари ҳам илиб қўйилган. Расмлар орасида суҳбатдошим Георий Тошевнинг ҳам суратини кўриб қолдим.

— Бундай йирик заводни бизлар биринчи марта қуряпмиз, — деди Г. Тошев Кейин у Болгариянинг катта химияси — Георгий Димитров номи билан юритилувчи ва шаҳарга асос солган азот ўғитлари заводи қурилди ва у химия комбинатига айланди. Унинг цехларида юзларча тажрибали инженер-техниклар бор, улардан кўпчилиги Цено Ценовга ўхшаб Совет Иттифокида таҳсил олишган.

Болгария химияси ўтган чорак аср мобайнида катта одим ташлади. Димитровград комбинатидан кейин Варнада Карл Маркс номли сода заводи, Эски Загорда азот ўғит заводи қад кўтарди. Сўнгра Врачан химия ва Бургасс нефть-химия заводлари пайдо бўлди... Ҳозир химия корхоналари қишлоқ хўжалигини азот ўғитлари билан тўла таъминлайди. Сода ишлаб чиқарадиган завод эса мамлакатнинг содага бўлган эҳтиёжини копламоқда. Карл Маркс номли заводда хлор, поливинилхлорид ва бошқа хлор тайёрлайдиган катта қувватлар фойдаланишга топширилди. Нефтни қайта ишлаш туфайли синтетик тола ва синтетик каучук ҳамда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ишлатиладиган препаратлар ишлаб чиқариш ривожлантириб юборилди.

— Ҳозир Болгарияда бизларнинг комбинатимиздан катта бўлган йирик комбинат қурилаётир, — деди Цено Ценов, — лекин бизлар ундан қолишмаяпмиз: техникани ўзгартираётирмиз, технологияни яхшилаяпмиз, хуллас замон билан баравар қадам ташламоқдамиз. Шунинг учун ҳам илгари комбинатимизда ишлаб кетганлар шу кеча-кундузда корхонамизни таний олмайдилар. Комбинатимиз ўзгариб кетди, бошқа соҳалар бўйича ҳам анчагина тажрибали бўлиб қолдик. Вазифаларни эса ҳозирги талаблар даражасидан юқорироқ қўймоқдамиз.

Димитровградликлар ва Болгариянинг бошқа барча химиклари олдида катта-катта вазифалар турибди. Беш йиллик план бўйича мамлакат химия саноати тахминан икки баравар ўсиши керак. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш эса шу йиллар мобайнида бир ярим миллион тонна, химия толаси — 70-75 минг тонна, пластмасса ва синтетик смола — 152 мінг тоннага етказилади. Синтетик каучук, сода ва химия саноати корхоналари учун бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам бирмунча оширилади.

Бунга эришишга шак-шубҳа йўқ. Буни Димитровград химикларининг меҳнат муваффақиятлари яққол исботлаб турибди.

Э. ЯНСОН, АПН махсус мухбири. София.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №28. Редактор—336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683 Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455 Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424, Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553 Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343. Корректура—337162, Эълонлар—338142, Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Карши — 38—42, Нукус — 42—62 Самарканд — 31—972, Гермиз — 54—01, Урганч — 34—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. — 66. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697 Р. 01293.